ISSN 218-8088

# XALQ TA'LIMI AXBOROTNOMASI

"XALQ TA'LIMI AXBOROTNOMASI" JURNALI

**Muassis:**
"Xalq ta'limi" jurnali tahririyati DUK

# PUBLIC EDUCATION BULLETIN

"PUBLIC EDUCATION BULLETIN" JOURNAL

# 2016

## 3-son
(may-iyun)

2015-yildan chiqa boshlagan

(O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligining 2014-yil 17-maydagi 137-sonli buyrug'i bilan tashkil etilgan)

TOSHKENT

Umumta’lim maktablarini darsliklar va o‘quv-metodik qo‘llanmalar bilan ta’minlash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida **2015-yil 21-dekabrdagi 27-mh, 106, 24 hamda 10-sonli qaror** ..... 4

Jismoniy yoki psixik rivojlanishida nuqsoni bo‘lgan o‘quvchilarni ixtisoslashtirilgan ta’lim muassasasidan O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi hamda Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligi muassasasiga o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida **2015-yil 31-dekabrdagi 28-mh, 46 va 61-q/q-sonli qaror** ..... 7

Maktabgacha ta’lim muassasalarini mebel, o‘quv ko‘rgazmali qurollar, texnik vositalar, o‘yinchoqlar, sport anjomlari va boshqa ashyolar bilan jihozlash me’yorlarini tasdiqlash to‘g‘risida **2015-yil 31-dekabrdagi 29-mh, 109 hamda 112-sonli qaror** ..... 14

Ota-onalar tomonidan bolalarning bolalar musiqa va san’at maktablarida o‘qishi uchun haq to‘lash va undan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida **2016-yil 2-martdagi 1-mh va 12-sonli qaror** ..... 24

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirligi huzuridagi Bolalar sportini rivojlantirish jamg‘armasi byudjetini hamda 2016-yilda bolalar sporti inshootlari, suzish havzalari, bolalar musiqa va san’at maktablarini qurish, rekonstruktsiya qilish va mukammal ta’mirlashning manzilli dasturlari bajarilishini ta’minlash to‘g‘risida **2016-yil 5-martdagi 59-sonli buyruq** ..... 28

2016-yilning yoz mavsumida bolalarni dam oldirish va sog‘lomlashtirishga tayyorgarlik ko‘rish, mavsumni yuqori saviyada o‘tkazish to‘g‘risida **2016-yil 15-martdagi 73-sonli buyruq** ..... 32

“Kitobxon maktab” respublika tanlovini o‘tkazish to‘g‘risida **2016-yil 25-martdagi 80-sonli buyruq** ..... 37

“Yil tarbiyachisi” ko‘rik-tanlovini o‘tkazish to‘g‘risida **2016-yil 26-martdagi 81-sonli buyruq** ..... 40

Yetim va ota-ona qaramog‘idan mahrum bo‘lgan, to‘liq davlat ta’minotida bo‘lmagan o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limi muassasalari bitiruvchilarini «Mahalla» xayriya jamoat fondi tomonidan tanlab olish hamda ularga nafaqa to‘lash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida **2016-yil 15-apreldagi 38/qq, 6/qq va 4-mh-sonli qaror** ..... 50

Xalq ta’limi muassasalarini 2016-2017-o‘quv yili va kuz-qish mavsumiga tayyorlash ishlarini tashkil etish to‘g‘risida **2016-yil 21-apreldagi 98-sonli buyruq** ..... 56

“Boshlang‘ich ta’lim o‘qituvchilari forumi”ga tayyorgarlik ko‘rish va uni o‘tkazish to‘g‘risida **2016-yil 22-apreldagi 100-sonli buyruq** ..... 85

Umumta’lim maktablarida sog‘lom ovqatlanishni tashkil etishni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida **2016-yil 3-maydagi 113-sonli buyruq** ..... 101

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2016-yil 5-maydagi “Bolalar musiqa va san’at maktablari to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” gi 144-son qarori to‘g‘risida **2016-yil 6-maydagi 118-sonli buyruq** ..... 107

## KIRISH

Mamlakatimizda har safar o‘quv yili yakunlanishi bilan bolalarni yozgi oromgohlarda sog‘lomlashtirish, ularning madaniy hordiq chiqarishlari, bilim va ko‘nikmalarini oshirish maqsadida mavsumiy chora-tadbirlar amalga oshirib kelinadi. Zero, ta’tilning maroqli hamda mazmunli o‘tishi yurtimiz farzandlarining navbatdagi o‘quv yilida erishajak muvaffaqiyatlari, kuch-g‘ayratlari garovidir.

Bu masalaga davlatimiz va hukumatimiz tomonidan alohida e’tibor qaratib kelinmoqda. Xususan, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2012-yil 10-mart kuni qabul qilingan “Bolalarning dam olishini tashkil etish va sog‘lomlashtirish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori asosida olib borilayotgan amaliy sa’y-harakatlar muhim ahamiyat kasb etayotir.

Xalq ta’limi vazirining joriy yil 15-martdagi “2016-yilning yoz mavsumida bolalarni dam oldirish va sog‘lomlashtirishga tayyorgarlik ko‘rish, mavsumni yuqori saviyada o‘tkazish to‘g‘risida”gi 15-sonli buyrug‘i qabul qilindi.

Unga ko‘ra, barcha oromgohlarda ko‘chma kutubxonalar faoliyati tashkil qilinadi. Eng muhimi, yoshlar oromgohlarda dam olish asnosida Prezidentimizning barcha asarlarini mutolaa qilishadi. Shuningdek, ular badiiy adabiyotlar, gazeta va jurnallar bilan tanishib, yurtimizda amalga oshirilayotgan ulkan islohotlar, bunyodkorlik va obodonlashtirish ishlaridan xabardor bo‘lishadi.

Yozgi oromgohlar faoliyati 1-iyundan boshlanadi. Bu maskanlarda o‘g‘il-qizlarimizning yakunlangan o‘quv yili davrida olgan bilimlarini mustahkamlash, madaniy hordiq chiqarishlari uchun zarur shart-sharoitlarni yaratishga alohida e’tibor qaratilmoqda.

Bu mavsumda o‘quvchilarga statsionar (ya’ni, bola ikki hafta davomida sog‘lomlashtiriladigan dam olish maskani), kunduzgi oromgohlar xizmat ko‘rsatishi kutilmoqda.

O‘quvchi-yoshlarning nafaqat o‘quv yili davomida, ayni paytda, yozgi ta’til mavsumida ham vaqtlarini mazmunli o‘tkazish, ularni turli to‘garaklar, ko‘rik-tanlovlarga jalb etish tizimi tobora takomillashib bormoqda.

Xalq ta’limi vazirining 2016-yil 25-martdagi “Kitobxon maktab” respublika tanlovini o‘tkazish to‘g‘risida”gi 80-sonli buyrug‘i ham aynan o‘quv yili poyonida o‘tkazilishida ham ramziy ma’no mujassam, albatta. Negaki, o‘quvchilarning yil davomida olgan bilim va ko‘nikmalarini yanada mustahkamlashda bunday tanlovlar muhim ahamiyat kasb etadi.

Darhaqiqat, yurt taraqqiyoti, xalq farovonligini belgilovchi omillar bisyor. Lekin ulaning hech bir yoshlarni jismonan sog‘lom va ma’nan barkamol qilib voyaga yetkazishdek ulkan samara bermaydi. Chunonchi, bugun zamonaviy bilimlarni egallayotgan yoshlar ertaga Vatanimiz taraqqiyotiga xizmat qiladi.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
# ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ

## Қ А Р О Р И

## УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИ ДАРСЛИКЛАР ВА ЎҚУВ-МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2577-1**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 майдаги ПҚ-362-сон «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2014 йил 20 мартдаги 14, 25, 15-кқ, 08-05-04-сон қарори (рўйхат рақами 2577, 2014 йил 28 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 18-сон, 202-модда) билан тасдиқланган Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тар-

тиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Халқ таълими вазири** **У. Иноятов**

*Тошкент ш.,*
*2015 йил 21 декабрь,*
*27-мҳ-сон*

**Молия вазири** **Р. Азимов**

*Тошкент ш.,*
*2015 йил 21 декабрь,*
*106-сон*

**Маданият ва спорт ишлари вазири** **Б. Ахмедов**

*Тошкент ш.,*
*2015 йил 21 декабрь,*
*24-сон*

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори** **О. Юнусов**

*Тошкент ш.,*
*2015 йил 21 декабрь,*
*10-сон*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида*
*2016 йил 10 февралда 2763-сон билан рўйхатга олинган*
*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги,*
*Молия вазирлиги, Маданият ва*
*спорт ишлари вазирлиги ҳамда*
*Ўзбекистон матбуот ва ахборот*
*агентлигининг 2015 йил 21 декабрдаги*
*27-мҳ, 106, 24, 10-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 22-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Республика бўйича дарсликларни харид қилишнинг истиқбол квоталарини ҳар бир ҳудудлар кесимида шакллантиришда 1-синф ўқувчиларига синфлар ва таълим тиллари бўйича буюртманинг умумий ҳажмидан 5% гача, 2 – 9-синф ўқувчиларига дарсликлардан фойдаланиш даврларида синфлар ва таълим тиллари кесимида энг кўп ўқувчилар контингенти таҳлили асосида умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасининг захираси шакллантирилиши мумкин».

2. 40-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«40. Дарсликлар тўплами учун ижара тўлови миқдорини аниқлаш жараёнида тегишли миқдордаги дарсликларни жорий молия йилида янгилаш ва ижара тизимига киритилишида уларни харид қилиш ва етказиб бериш учун зарур бўладиган маблағларнинг шартномавий ҳажми, Жамғарма ижроия дирекциясининг ўтган молия йилидаги ҳақиқий харажати ҳамда ўтган молия йилидаги Жамғарма томонидан ҳақиқатда олинган ёки келгуси молия йилида олиниши кутиладиган даромадлар ҳисобга олинади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 1 июндаги ПҚ-363-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармасининг маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ дарсликлар учун ижара тўловларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби Васийлик кенгаши томонидан белгиланади».

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ

## Қ А Р О Р И

## ЖИСМОНИЙ ЁКИ ПСИХИК РИВОЖЛАНИШИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН ЎҚУВЧИЛАРНИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ МУАССАСАСИГА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2763**

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 13 сентябрдаги 256-сон «Имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларни ихтисослаштирилган таълим муассасасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги муассасаси-

га ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Халқ таълими вазири** **У. Иноятов**

*Тошкент ш.,*
*2015 йил 31 декабрь,*
*28-мҳ-сон*

**Соғлиқни сақлаш вазири** **А. Алимов**

*Тошкент ш.,*
*2015 йил 31 декабрь,*
*46-сон*

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий**
**муҳофаза қилиш вазири** **А. Абдуҳакимов**

*Тошкент ш.,*
*2015 йил 31 декабрь,*
*61-қ/қ-сон*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида*
*2016 йил 10 февралда 2763-сон билан рўйхатга олинган*
*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги,*
*Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда*
*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш*
*вазирлигининг 2015 йил 31 декабрдаги*
*28-мҳ, 46, 61-қ/қ-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларни ихтисослаштирилган таълим муассасасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги муассасасига ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 13 сентябрдаги 256-сон «Имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ, жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларни (бундан буён матнда ўқувчилар деб юритилади) жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасасидан (бундан буён матнда мактаб-интернат деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги муассасасига ўтказиш тартибини белгилайди.

### 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассасаси** (бундан буён матнда даволаш-профилактика муассасаси деб юритилади) – руҳий ва асаб тизими касалликлари ва уларнинг асоратлари, сил касаллигининг барча турлари ва даврларида даволаниш учун мўлжалланган шифохоналар ҳамда барча турдаги болалар санаторийлари;

**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги муассасаси** (бундан буён матнда

«Мурувват» интернат уйи деб юритилади) –Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, руҳиятида сезиларли ёки анча сезиларли нуқсонлар бор бўлган, 4 ёшдан 18 ёшгача ногирон болалар учун давлат тиббий-ижтимоий муассасаси.

2. Ўқувчиларни мактаб-интернатдан даволаш-профилактика муассасаси ёки «Мурувват» интернат уйига ўтказиш мактаб-интернат педагогик кенгашининг қарорига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳузуридаги болаларни ихтисослаштирилган муассасаларга (мактаб, мактаб-интернатларга) юбориш бўйича психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг (бундан буён матнда психологик-тиббий-педагогик комиссия деб юритилади) хулосасига кўра, ўқувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг (бундан буён матнда ота-оналар деб юритилади) розилиги билан амалга оширилади.

3. Мактаб-интернат раҳбарияти мазкур турдаги ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқишга лаёқати бўлмаган ўқувчиларни даволаш-профилактика муассасаси ёки «Мурувват» интернат уйига жойлаштиришга кўмаклашиши шарт.

4. Ўқувчиларни мактаб-интернатдан даволаш-профилактика муассасасига ҳамда «Мурувват» интернат уйига ўтказиш бепул амалга оширилади.

## 2-БОБ. ЎҚУВЧИНИ МАКТАБ-ИНТЕРНАТДАН ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА МУАССАСАСИГА ЎТКАЗИШ

5. Ўқувчининг ота-онаси ва мактаб-интернат раҳбарияти тиббий-ижтимоий реабилитацияга муҳтож ўқувчини ўқув йили давомида ёки у тугаганидан сўнг даволаш-профилактика муассасасига вақтинчалик ўтказиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эга.

6. Ўқувчини мактаб-интернатдан даволаш-профилактика муассасасига ўтказиш учун унинг ота-онаси ўтказиш сабабларини, даволаш-профилактика муассасаси номини кўрсатган ҳолда мактаб-интернат директорига ариза билан мурожаат қилади.

Аризага боланинг ривожланиш тарихидан муфассал кўчирма ҳамда тиббиёт муассасаси даволовчи шифокорининг ўқувчини даволаш-профилактика муассасасига ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги хулосаси илова қилинади.

7. Қуйидаги ҳолларда мактаб-интернат раҳбарияти ота-оналарнинг ёзма розилигини олган ҳолда ўқувчини даволаш-профилактика

муассасасига ўтказиш чораларини кўриши лозим:

мактаб-интернат тиббиёт ходими томонидан ўқувчини даволаш-профилактика муассасасига ўтказиш тўғрисида тавсия берилганда;

тиббий кўрик пайтида ўқувчининг физиологик ва жисмоний ҳолатида салбий ўзгаришлар аниқланиб, уни стационар шароитда даволаш лозим деб топилганда.

8. Ота-оналарнинг аризаси ёки ёзма розилигига асосан ушбу масала мактаб-интернатнинг педагогик кенгаши томонидан кўриб чиқилади. Педагогик кенгаш қарорига асосан, мактаб-интернат директори психологик-тиббий-педагогик комиссияга тегишлилигига кўра қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

боланинг ривожланиш тарихидан муфассал кўчирма ҳамда тиббиёт муассасаси даволовчи шифокорининг ўқувчини даволаш-профилактика муассасасига ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги хулосаси;

мактаб-интернат тиббиёт ходимининг ўқувчини даволаш-профилактика муассасасига ўтказиш тўғрисидаги тавсияномаси;

ўқувчининг физиологик ва жисмоний ҳолатида салбий ўзгаришлар аниқланганлиги ҳақида тиббий кўрикдан ўтказган шифокорнинг хулосаси.

9. Тақдим этилган ҳужжатлар психологик-тиббий-педагогик комиссия томонидан Болаларни ихтисослаштирилган муассасаларга (мактаб, мактаб интернатларга) юбориш бўйича психологик-тиббий-педагогик комиссиялар тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2519, 2013 йил 24 октябрь) мувофиқ кўриб чиқилади.

10. Ўқувчини даволаш-профилактика муассасасига қабул қилиш учун ота-оналар ёки мактаб-интернат раҳбарияти томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг хулосаси;

мактаб-интернат томонидан берилган ўқувчи таълим олаётган синф кўрсатилган маълумотнома;

мактаб-интернат томонидан берилган психологик-педагогик тавсифнома.

11. Ўқувчи даволаш-профилактика муассасасига қабул қилингач, унга касаллик тарихи очилади ҳамда шу кун ўқувчи даволаш-профилактика муассасасига ўтказилган кун ҳисобланади.

Даволаш-профилактика муассасаси шу куннинг ўзида ўқувчининг ота-онасига ва мактаб-интернатга ўқувчининг даволаш-профилактика муассасасига қабул қилинганлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этади.

12. Ўқувчининг даволаш-профилактика муассасасидаги даволаниш муддати тугаганидан сўнг унинг ота-онасига ёки мактаб-интернатга даволаш-профилактика муассасаси раҳбари томонидан им-

золанган ва муҳр билан тасдиқланган синф журналидан кўчирилган баҳолаш қайдномаси ҳамда ўқувчининг даволаш-профилактика муассасасида даволанганлиги тўғрисида маълумотнома берилади.

## 3-БОБ. ЎҚУВЧИНИ МАКТАБ-ИНТЕРНАТДАН «МУРУВВАТ» ИНТЕРНАТ УЙИГА ЎТКАЗИШ

13. Ўқувчининг ота-онаси ва мактаб-интернат раҳбарияти мактаб-интернатда таълим олишга лаёқатсиз, руҳиятида сезиларли нуқсонлар мавжуд бўлган, доимий тиббий-ижтимоий ёрдамга муҳтож (этиологияси ҳар хил бўлган ўртача даражадаги ақлий заифлик (оғирлашган шакли), оғир ва чуқур даражадаги ақлий заифлик ва ҳоказо) ногирон ўқувчиларни мактаб-интернатдан «Мурувват» интернат уйига ўтказиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эга.

14. Ўқувчини мактаб-интернатдан «Мурувват» интернат уйига ўтказиш учун унинг ота-онаси ўтказиш сабабларини, «Мурувват» интернат уйи номини кўрсатган ҳолда мактаб-интернат директорига ариза билан мурожаат қилади.

Аризага боланинг ривожланиш тарихидан муфассал кўчирма ҳамда тиббиёт муассасаси даволовчи шифокорининг ўқувчини «Мурувват» интернат уйига ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги хулосаси илова қилинади.

15. Қуйидаги ҳолларда мактаб-интернат раҳбарияти ота-оналарнинг ёзма розилигини олган ҳолда ўқувчини «Мурувват» интернат уйига ўтказиш чораларини кўриши лозим:

мактаб-интернат тиббиёт ҳамда педагог ходимлари томонидан муассаса раҳбариятига ўқувчини «Мурувват» интернат уйига ўтказиш тўғрисида тавсия берилганда;

тиббий кўрик пайтида ўқувчининг физиологик ва жисмоний ҳолатида салбий ўзгаришлар аниқланиб, уни «Мурувват» интернат уйига ўтказиш лозим деб топилганда.

16. Ота-оналарнинг аризаси ёки ёзма розилигига асосан ушбу масала мактаб-интернатнинг педагогик кенгаши томонидан кўриб чиқилади. Педагогик кенгаш қарорига асосан, мактаб-интернат директори психологик-тиббий-педагогик комиссияга тегишлилигига кўра қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

боланинг ривожланиш тарихидан муфассал кўчирма ҳамда тиббиёт муассасаси даволовчи шифокорининг ўқувчини «Мурувват» интернат уйига ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги хулосаси;

мактаб-интернат тиббиёт ҳамда педагог ходимларининг ўқувчини «Мурувват» интернат уйига ўтказиш тўғрисидаги тавсияномаси;

ўқувчининг физиологик ва жисмоний ҳолатида салбий ўзгаришлар аниқланганлиги ҳақида тиббий кўрикдан ўтказган шифокорнинг хулосаси.

17. Тақдим этилган ҳужжатлар психологик-тиббий-педагогик комиссия томонидан Болаларни ихтисослаштирилган муассасаларга (мактаб, мактаб интернатларга) юбориш бўйича психологик-тиббий-педагогик комиссиялар тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2519, 2013 йил 24 октябрь) мувофиқ кўриб чиқилади.

18. Психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг ўқувчини «Мурувват» интернат уйига ўтказиш тўғрисидаги хулосасига мувофиқ ўқувчи таълим олаётган мактаб-интернат директори ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафидан чиқариш тўғрисида буйруқ қабул қилади.

19. Ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафидан чиқариш тўғрисида буйруқ чиқарилгач, уч кун ичида синф журнали ва ўқувчилар ҳаракати дафтарига тегишли ёзув киритилади.

20. «Мурувват» интернат уйига ўтказиш учун мактаб-интернат ўқувчилари сафидан чиқарилган ўқувчининг ота-онасига мактаб-интернат раҳбарияти томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

ўқувчининг мактаб-интернат ўқувчилари сафидан чиқарилганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма;

ўқувчининг баҳолар (ўзлаштириш) табели;

ўқувчининг тиббий картаси;

мактаб-интернат томонидан берилган психологик-педагогик тавсифнома.

21. Ўқувчиларни «Мурувват» интернат уйларига қабул қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 23 августдаги 240-сон қарори билан тасдиқланган «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйлари тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

## 4-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДА

22. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ

## Қ А Р О Р И

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ МЕБЕЛЬ, ЎҚУВ КЎРГАЗМАЛИ ҚУРОЛЛАР, ТЕХНИК ВОСИТАЛАР, ЎЙИНЧОҚЛАР, СПОРТ АНЖОМЛАРИ ВА БОШҚА АШЁЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАШ МЕЪЁРЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2753**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-2133-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Мактабгача таълим муассасаларини мебель, ўқув кўргазмали қуроллар, техник воситалар, ўйинчоқлар, спорт анжомлари ва бошқа ашёлар билан жиҳозлаш меъёрлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Халқ таълими вазири** **У. Иноятов**

*Тошкент ш.,*
*2015 йил 31 декабрь,*
*29-мҳ-сон*

**Иқтисодиёт вазири** **Г. Саидова**

*Тошкент ш.,*
*2015 йил 31 декабрь,*
*109-сон*

**Молия вазири** **Р. Азимов**

*Тошкент ш.,*
*2015 йил 31 декабрь,*
*112-сон*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида*
*2016 йил 16 январда 2753-сон билан рўйхатга олинган*
*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги,*
*Иқтисодиёт вазирлиги ва*
*Молия вазирлигининг 2015 йил 31 декабрдаги*
*29-мҳ, 109, 112-сон қарорига*
*ИЛОВА*

**Мактабгача таълим муассасаларини мебель, ўқув кўргазмали қуроллар, техник воситалар, ўйинчоқлар, спорт анжомлари ва бошқа ашёлар билан жиҳозлаш**
**МЕЪЁРЛАРИ**

## 1. ГУРУҲ ЖИҲОЗЛАРИ

| Т/р | Жиҳоз номи | Ўлчов бирлиги | Гуруҳлар кесимида сони | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | ясли гуруҳи (2-3 ёш) | кичик гуруҳ (3-4 ёш) | ўрта гуруҳ (4-5 ёш) | катта гуруҳ (5-6 ёш) | тайёрлов гуруҳи (6-7 ёш) | қисқа муддатли гуруҳ |
| **Кириш йўлакча учун жиҳозлар** | | | | | | | | |
| 1. | Кийим жавони (1) | дона | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 2. | Болалар учун скамейка (2) | дона | 2-3 | 2-3 | 2-3 | 2-3 | 2-3 | 2-3 |
| 3. | Гиламча (оёқ остига тўшаш учун) | дона | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 4. | «Табиат бурчаги» учун жавон | дона | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| **Ўйин майдони учун жиҳозлар** | | | | | | | | |
| 5. | Гилам | кв.м | Хона ўлчамига мувофиқ | | | | | |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 6. | Ўйин бурчаклари (сартарошхона, меҳмонхона, касалхона, дўкон, ошхона ва бошқалар) учун махсус жавонлар | тўплам | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 7. | Сенсор столи | дона | 1 | 1 | 1 | | | |
| 8. | Ўйинчоқлар учун жавон | дона | 2 | 2 | 2 | 1 | 1 | 1 |
| 9. | Парда | кв.м | Хона ўлчамига мувофиқ | | | | | |
| 10. | Доска | дона | | | | 1 | 1 | 1 |
| **Машғулотлар ўтказиш майдони учун жиҳозлар** | | | | | | | | |
| 11. | Бир тумбали стол (тарбиячи учун) | дона | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 12. | Ярим юмшоқ стул | дона | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 13. | Ўқув қуроллари ва спорт жиҳозлари учун жавон | дона | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 14. | Китоб жавони | дона | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 |
| 15. | Болалар столи ва стули | тўплам | Гуруҳдаги болалар сонига мувофиқ | | | | | |
| **Идиш-товоқ ювиш хонаси учун жиҳозлар** | | | | | | | | |
| 16. | Идиш-товоқ тўплами | тўплам | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 17. | Идиш-товоқ учун жавон | тўплам | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 18. | Бак (идиш-товоқни ивитиш учун) | дона | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 19. | Идишларни қуритиш учун мослама | дона | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| **Ётоқхона учун жиҳозлар** | | | | | | | | |
| 20. | Каравот (бир қаватли) (1) ва (3) | дона | 1 | 1 | | | | |
| 21. | Каравот (икки қаватли) (1) | дона | | | 1 | 1 | 1 | |
| 22. | Юмшоқ жиҳозлар учун жавон | дона | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | |
| 23. | Парда | кв.м | Хона ўлчамига мувофиқ | | | | | |
| 24. | Тўшак (1) | дона | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | |
| 25. | Ёстиқ (1) | дона | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 26. | Жун ёки пахтали адёл (1) | дона | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | |
| 27. | Чойшаб (1) | дона | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | |
| 28. | Ёстиқ жилди (1) | дона | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | |
| 29. | Сочиқ (1) | дона | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | |
| **Гигиена хонаси учун жиҳозлар** | | | | | | | | |
| 30. | Сочиқ илгич (1) | дона | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 31. | Болалар туваги (1) | дона | 1 | | | | | |
| 32. | Болалар туваги учун жавон | дона | 1 | | | | | |
| 33. | Бак (болалар тувагини ивитиш учун) | дона | 1 | | | | | |
| 34. | Кўзгу (деворга ўрнатиш учун) | дона | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 35. | Сочиқ (1) | дона | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| **Спорт жиҳозлари** | | | | | | | | |
| 36. | Кегли | тўплам | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 |
| 37. | Обруч (гардиш) | дона | 4 | 4 | 4 | 8 | 10 | 10 |
| 38. | Сакраш учун арқон | дона | 4 | 10 | 10 | 10 | 10 | 10 |
| 39. | Копток | дона | 15 | 15 | 15 | 15 | 15 | 15 |
| 40. | Бадминтон | тўплам | | | 2 | 2 | 2 | 2 |
| **Қўшимча жиҳозлар** | | | | | | | | |
| 41. | Телевизор | дона | | | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 42. | Магнитола (DVD плеерли) | дона | | | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 43. | Ўйинчоқлар тўплами | тўплам | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| *а)* | *Ривожлантирувчи ва таълимий ўйинлар учун ўйинчоқлар* | тўплам | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| *б)* | *Воқеабанд ўйинлар учун жиҳозлар* | тўплам | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| *в)* | *Мусиқий таълимий ўйинлар учун ўйинчоқлар* | тўплам | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| *г)* | *Лойиҳалаштирувчи ўйинчоқлар* | тўплам | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| *д)* | *Ҳаракатланувчи ўйинчоқлар* | тўплам | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| *е)* | *Миллий ўйинчоқлар* | тўплам | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |

## 2. МАХСУС ЖИҲОЗЛАР

| Т/р | Жиҳоз номи | Ўлчов бирлиги | Гуруҳлар кесимида сони | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | кичик гуруҳ (3-4 ёш) | ўрта гуруҳ (4-5 ёш) | катта гуруҳ (5-6 ёш) | тайёрлов гуруҳи (6-7 ёш) |
| **Ақли заиф ва нутқида нуқсони бўлган болалар мактабгача таълим муассасалари** | | | | | | |
| 44. | Бир тумбали стол | дона | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 45. | Ярим юмшоқ стул | дона | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 46. | Китоб жавони | дона | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 47. | Кўзгу (деворга ўрнатиш учун) | дона | 1 | 1 | 1 | 1 |
| **Таянч-ҳаракатланиш аъзоларида нуқсони бўлган болалар мактабгача таълим муассасалари** | | | | | | |
| 48. | Гимнастика йўлакчаси | дона | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 49. | Гимнастика таёқчаси | дона | 1 | 1 | 1 | 1 |
| **Кар ва заиф эшитувчи болалар мактабгача таълим муассасалари** | | | | | | |
| 50. | Овоз кучайтиргич мослама (умумий машғулотлар учун) | тўплам | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 51. | Овоз кучайтиргич мослама (якка тартибдаги машғулотлар учун) | тўплам | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 52. | Аудиометр | дона | 1 | | | |
| 53. | Логопед зонди | тўплам | 1 | 1 | 1 | 1 |
| **Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар мактабгача таълим муассасалари** | | | | | | |
| 54. | Бир тумбали стол | дона | 1 | | | |
| 55. | Ярим юмшоқ стул | дона | 2 | | | |
| 56. | Китоб жавони | дона | 2 | | | |
| 57. | Амблиотренер | дона | 1 | | | |
| 58. | Синоптофор | дона | 1 | | | |
| 59. | Офтальмолог ойнаси | тўплам | 1 | | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 60. | Орлов жадвали (электрон) | дона | 1 |
| 61. | Авторефактометрия | дона | 1 |
| 62. | Электр офтальмоскоп | дона | 1 |

## 3. ГУРУҲДАН ТАШҚАРИ ЖИҲОЗЛАР

| Т/р | Жиҳоз номи | Ўлчов бирлиги | Сони |
|---|---|---|---|
| **Маъмурий-методик хоналар учун жиҳозлар** | | | |
| **Мудира хонаси** | | | |
| 63. | Кабинет тўплами | тўплам | 1 |
| 64. | Кресло (айланувчи) | дона | 1 |
| 65. | Ярим юмшоқ стул | дона | 2 |
| 66. | Темир жавон (сейф) | дона | 1 |
| **Метод хонаси**(4) | | | |
| 67. | Компьютер учун стол | дона | 1 |
| 68. | Ярим юмшоқ стул | дона | 4 |
| 69. | Кўргазмали қуроллар учун жавон | дона | 2 |
| 70. | Компьютер техникаси (принтер билан) | дона | 1 |
| 71. | Доска | дона | 1 |
| **Психологик хизмат хонаси** | | | |
| 72. | Бир тумбали стол | дона | 1 |
| 73. | Ярим юмшоқ стул | дона | 2 |
| 74. | Китоб жавони | дона | 1 |
| 75. | Ўйинчоқлар ва кўргазмали қуроллар учун жавон | дона | 1 |
| 76. | Болалар столи ва стули | тўплам | 1 |
| **Бухгалтерия** | | | |
| 77. | Компьютер учун стол | дона | 1 |
| 78. | Ярим юмшоқ стул | дона | 1 |
| 79. | Компьютер техникаси (принтери билан) | дона | 1 |
| 80. | Темир жавон (сейф) | дона | 1 |
| **Хўжалик мудири хонаси** | | | |
| 81. | Бир тумбали стол | дона | 1 |
| 82. | Ярим юмшоқ стул | дона | 2 |
| 83. | Китоб жавони | дона | 1 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Тиббиёт хонаси** | | | |
| ***Шифокор хонаси*** | | | |
| 84. | Парда (ширма) | дона | 1 |
| 85. | Бир тумбали стол | дона | 2 |
| 86. | Ярим юмшоқ стул | дона | 4 |
| 87. | Китоб жавони | дона | 2 |
| 88. | Тиббиёт жавони | дона | 1 |
| 89. | Бўй ўлчагич | дона | 1 |
| 90. | Тиббиёт тарозиси | дона | 1 |
| ***Муолажа хонаси*** | | | |
| 91. | Тиббий кушетка | дона | 1 |
| 92. | Биринчи тиббий ёрдам столи | дона | 1 |
| 93. | Музлатгич (дори-дармонлар учун) | дона | 1 |
| 94. | Биринчи тиббий ёрдам қутиси | дона | 1 |
| 95. | Бикс | дона | 1 |
| 96. | Тиббий асбоб-ускуналар | тўплам | 1 |
| 97. | Кварц лампаси | дона | 1 |
| ***Изолятор*** | | | |
| 98. | Каравот | дона | 2 |
| 99. | Тумба | дона | 2 |
| 100. | Болалар стули | дона | 2 |
| **Мусиқа зали учун жиҳозлар** | | | |
| **Мебеллар** | | | |
| 101. | Бир тумбали стол | дона | 1 |
| 102. | Ярим юмшоқ стул | дона | 1 |
| 103. | Ярим юмшоқ стул (3-ўринли) | дона | 10 |
| 104. | Болалар стули | дона | 50 |
| 105. | Китоб жавони | дона | 1 |
| 106. | Мусиқа чолғу асбоблари учун жавон | дона | 1 |
| 107. | Табуретка (пианино учун) | дона | 1 |
| 108. | Кўзгу (деворга ўрнатиш учун) | дона | 1 |
| 109. | Гилам | кв.м | Хона ўлчамига мувофиқ |
| 110. | Парда | кв.м | Хона ўлчамига мувофиқ |
| **Мусиқа чолғу асбоблари ва техник воситалар** | | | |
| 111. | Пианино | дона | 1 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 112. | Доира (болалар учун) | дона | 1 |
| 113. | Дутор (болалар учун) | дона | 1 |
| 114. | Рубоб (болалар учун) | дона | 1 |
| 115. | Ноғора (болалар учун) | дона | 1 |
| 116. | Ғижжак (болалар учун) | дона | 1 |
| 117. | Карнай (болалар учун) | дона | 1 |
| 118. | Сурнай (болалар учун) | дона | 1 |
| 119. | Барабан (болалар учун) | дона | 1 |
| 120. | Бубен (болалар учун) | дона | 1 |
| 121. | Шиқилдоқ (болалар учун) | дона | 1 |
| 122. | DVD плеер | дона | 1 |
| 123. | Овоз кучайтиргич (колонка билан) | дона | 1 |
| **Жисмоний тарбия хонаси учун жиҳозлар** | | | |
| **Спорт анжомлари** | | | |
| 124. | Гимнастика таёқчалари | дона | 25 |
| 125. | Сакраш учун арқон | дона | 10 |
| 126. | Гимнастика тўшаклари (мат) | дона | 2 |
| 127. | Копток | дона | 20 |
| 128. | Кегли | тўплам | 2 |
| 129. | Чирманда (бубен) | тўплам | 2 |
| 130. | Обруч (гардиш) | дона | 10 |
| 131. | 4 хил рангли ленталар | дона | 10 |
| 132. | Гимнастика скамейкаси | дона | 2 |
| 133. | Гимнастика нарвони | дона | 2 |
| 134. | Йўғон арқон | дона | 1 |
| 135. | Шахмат-шашка | дона | 4 |
| **Қўшимча жиҳозлар** (5) | | | |
| 136. | Бир тумбали стол | дона | 1 |
| 137. | Ярим юмшоқ стул | дона | 1 |
| 138. | Обручларни илиш учун тахта | дона | 1 |
| 139. | Гимнастика учун ойна | кв.м | Хона ўлчамига мувофиқ |

**Ошхона жиҳозлари**

| Т/р | Жиҳоз номи | Ўлчов бирлиги | Гуруҳлар сони | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | 4 | 5 - 9 | 10 та ва ундан ортиқ |
| **Мебеллар ва жиҳозлар** | | | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 140. | Темир стол | дона | 6 | 7 | 7 |
| 141. | Нон учун жавон | дона | 1 | 1 | 1 |
| 142. | Идиш-товоқ учун жавон | дона | 1 | 1 | 1 |
| 143. | Идиш-товоқ | тўплам | Муассаса эҳтиёжига мувофиқ | | |
| **Асбоб-анжомлар** | | | | | |
| 144. | Плита (электр ёки газ) | дона | 1 | 2 | 3 |
| 145. | Қозон (электр ёки газ/сув ва сут қайнатиш учун) | дона | 1 | 2 | 3 |
| 146. | Гўшт қиймалагич | дона | 1 | 2 | 2 |
| 147. | Электрон тарози | дона | 1 | 1 | 1 |
| 148. | Ошхона буюмлари тўплами | тўплам | Муассаса эҳтиёжига мувофиқ | | |
| 149. | Идиш-товоқни ювиш учун ванна | дона | 1 | 1 | 1 |
| **Озиқ-овқат сақлаш хонаси учун жиҳозлар** | | | | | |
| 150. | Музлатгич | дона | 2 | 3 | 3 |
| 151. | Маҳсулот сақлаш учун идиш | дона | 10 | 12 | 15 |
| 152. | Сут учун бидон | дона | 1 | 2 | 2 |
| 153. | Сув учун бидон | дона | 2 | 3 | 4 |
| **Омборхона жиҳозлари** | | | | | |
| 154. | Музлатгич (махсус) | дона | 1 | 1 | 1 |
| 155. | Электрон тарози | дона | 1 | 1 | 1 |
| 156. | Сабзавот учун жавон | дона | 2 | 2 | 2 |
| **Кирхона жиҳозлари** | | | | | |
| **Мебеллар** | | | | | |
| 157. | Дазмоллаш учун металл стол | дона | 1 | 1 | 1 |
| 158. | Ювилиб дазмолланган кирлар учун жавон | дона | 1 | 2 | 3 |
| 159. | Тоза чойшаб ва жилдлар сақлаш учун жавон | дона | 1 | 2 | 3 |
| **Асбоб-ускуналар** | | | | | |
| 160. | Кир ювиш машинаси | дона | 2 | 3 | 4 |
| 161. | Дазмол | дона | 1 | 1 | 1 |
| 162. | Кир қуритиш мосламаси | дона | 1 | 1 | 1 |
| **Қўшимча жиҳозлар** | | | | | |
| 163. | Тоғора (кир ювиш учун) | дона | 5 | 7 | 10 |
| 164. | Бак (кир ивитиш учун) | дона | 2 | 3 | 4 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **Ташқи ўйин майдончаси учун жиҳозлар** | | | | | |
| 165. | Горка (сирпанчиқ) | дона | 1 | 2 | 2 |
| 166. | Тарози арғимчоғи | дона | 1 | 2 | 2 |
| 167. | Арғимчоқ | дона | 1 | 2 | 2 |
| 168. | Камалак | дона | 1 | 2 | 2 |
| 169. | Эртакли уйчалар | дона | 2 | 3 | 3 |
| 170. | Зинапоя (темирли) | дона | 4 | 6 | 8 |
| 171. | Тўсиқли дуга (эстафеталар учун) | дона | 4 | 6 | 8 |

***Изоҳ:***

*1) Гуруҳдаги ҳар бир тарбияланувчи учун 1 донадан белгиланади.*

*2) Тарбияланувчилар сони 15 нафаргача бўлган гуруҳлар учун 2 дона, 15 нафардан ортиқ тарбияланувчилари бўлган гуруҳлар учун 3 дона белгиланади.*

*3) Махсус мактабгача таълим муассасаларининг барча гуруҳлари тарбияланувчилари фақат бир қаватли каравотлар билан таъминланади.*

*4) Мактабгача таълим муассасаларида 8 та ва ундан ортиқ гуруҳлар мавжуд бўлса, методик хона жиҳозлари билан таъминланади.*

*5) Мактабгача таълим муассасаларида алоҳида жисмоний тарбия хонаси мавжуд бўлса, қўшимча жиҳозлар билан таъминланади.*

*Мактабгача таълим муассасалари эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда халат, рўмол (косинка), ювиш воситалари ҳамда ҳудудни ободонлаштириш учун хўжалик буюмлари билан таъминланиши мумкин.*

1. Нодавлат мактабгача таълим муассасаларининг жиҳозланиши мазкур жиҳозлаш меъёрларидан кам бўлмаслиги лозим.

2. Мактабгача таълим муассасалари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар, маҳаллий ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, шунингдек қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан бошқа турдаги зарур жиҳозлар билан ҳам таъминланиши мумкин.

3. Мазкур жиҳозлаш меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ва Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан келишилган.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ

## Қ А Р О Р И

## ОТА-ОНАЛАР ТОМОНИДАН БОЛАЛАРНИНГ БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИДА ЎҚИШИ УЧУН ҲАҚ ТЎЛАШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1898-3**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2008 йил 31 декабрдаги 46 ва 121-сон қарори (рўйхат рақами 1898, 2009 йил 5 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 6-сон, 65-модда) билан тасдиқланган Ота-оналар томонидан болаларнинг болалар мусиқа ва санъат мактабларида ўқиши учун ҳақ тўлаш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Халқ таълими вазири** **У. Иноятов**

*Тошкент ш.,*
*2016 йил 2 март,*
*1-мҳ-сон*

**Молия вазири** **Р. Азимов**

*Тошкент ш.,*
*2016 йил 2 март,*
*12-сон*

*Ўзбекистон Республикаси*
*Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг*
*2016 йил 2 мартдаги 1-мҳ ва 12-сон қарорига*
*ИЛОВА*

**Ота-оналар томонидан болаларнинг болалар мусиқа ва санъат мактабларида ўқиши учун ҳақ тўлаш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 4-банддаги «ўқув йилининг (сентябрь – май) ойлари» деган сўзлар «ўқув йили (сентябрь – май ойлари)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 6-банддаги «банк муассасаларига» деган сўзлар «тегишли хизмат кўрсатувчи банкка» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Боланинг болалар мусиқа ва санъат мактабида таълим олганлиги учун мавжуд бўлган қарздорлик бир ой ичида тўланган тақдирда, бола мазкур синфнинг ўқув дастурлари талабларини бажаргандан сўнг ўқувчилар сафига қайта тикланади. Бола ўқишни тегишли тўловни амалга оширган ҳолда кейинги ўқув йилида (ўтган ўқув йилининг тугатилмаган чорагининг биринчи ойидан) давом эттириши мумкин».

4. 11-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. 14-бандда:

«а» кичик банддаги «молия йилининг» деган сўзлар «ўқув йилининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги «в» кичик банд билан тўлдирилсин:

«в) ўқиш учун тўланадиган тўловдан озод этиладиган болаларнинг рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш».

6. 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Комиссия келиб тушган ҳужжатларни кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилади. Мазкур қарор тегишли буйруқ чиқариш учун болалар мусиқа ва санъат мактаби директорига юборилади».

7. Ўзбек тилидаги матннинг 16-бандидаги «бўлим бошлиқлари» деган сўзлар «бўлинма мудирлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 18 – 20-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида ўқувчилар умумий

сонининг 25 фоизи доирасида болаларнинг қуйидаги тоифалари тўловдан озод этилади:

мусиқа ва санъат йўналишлари бўйича халқаро (1 – 3-ўринлар) ва республика (1-ўрин) танловларида ғолиб бўлган болалар – бир календарь йил мобайнида (ғолиб деб эълон қилингандан кейинги ойдан бошлаб 12 ой мобайнида);

кам таъминланган оилалардан бўлган болалар.

19. Мусиқа ва санъат йўналишлари бўйича халқаро (1 – 3-ўринлар) ва республика (1-ўрин) танловларида ғолиб бўлган болаларни бир календарь йил мобайнида ўқитиш учун тўловдан озод этишга уларнинг танловда ғолиб бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжати асос бўлади.

20. Кам таъминланган оилаларнинг болаларини тўловдан озод этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

а) ота-оналарнинг аризаси;

б) оиланинг кам таъминланганлиги тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бериладиган маълумотнома».

9. Ўзбек тилидаги матннинг 21-бандидаги «болаларини рўйхатга биринчи навбатда киритиш тамойилига риоя қилган ҳолда тўлдириб борилади» деган сўзлар «болалари тўловдан озод этиладиган болаларнинг рўйхатига биринчи навбатда киритилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 22 ва 23-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳам болалар мусиқа ва санъат мактабларида ўқиш учун белгиланган тўловлардан озод этилади.

23. Тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ўқиши учун тўловдан озод этишга халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари томонидан берилган маълумотнома асос бўлади».

11. Қуйидаги мазмундаги $23^{1}$ ва $23^{2}$-бандлар билан тўлдирилсин:

«$23^{1}$. Агарда бир оиланинг икки ва ундан ортиқ фарзанди болалар мусиқа ва санъат мактабларида ўқиса, улардан ҳар бирининг ўқиши учун белгиланган тўловнинг 70 фоизи миқдорида тўлов амалга оширилади.

$23^{2}$. Тўловдан озод этиладиган болаларнинг рўйхати Комиссиянинг қарори билан тасдиқланади ҳамда мазкур қарор асосида болалар мусиқа ва санъат мактаби директорининг буйруғи чиқарилади».

12. 28-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«28. Ўқиш учун тўланадиган тўловнинг тушуми ва сарфланиши бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботларни тузиш тегишли мусиқа ва санъат мактабининг бухгалтерияси томонидан амалга оширилади».

13. 31-банддаги «Юридик шахс мақомига эга бўлган таълим муассасасининг» деган сўзлар «Болалар мусиқа ва санъат мактабининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. Ўзбек тилидаги матннинг 32-бандидаги «сафланиши» деган сўз «сарфланиши» деган сўз билан алмаштирилсин.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2016 йил 5 март* *59-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛК ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ БЮДЖЕТИНИ ҲАМДА 2016 ЙИЛДА БОЛАЛАР СПОРТИ ИНШООТЛАРИ, СУЗИШ ҲАВЗАЛАРИ, БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИНИ ҚУРИШ, РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ВА МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШНИНГ МАНЗИЛЛИ ДАСТУРЛАРИ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 мартдаги ПҚ-2503-сонли "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ҳамда 2016 йилда болалар спорти иншоотлари, сузиш ҳавзалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашнинг манзилли дастурларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, болаларни, айниқса қизларни спорт билан шуғулланишга янада кенгроқ жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ўсиб келаётган авлодни жисмоний ривожлантириш ва соғлиғини мустаҳкамлашни таъминлаш, ўқувчиларнинг мусиқий билимини ва маданий савиясини ошириш орқали, мусиқа ва санъатнинг бошқа турлари билан шуғулланишни истаган болаларни янада кўпроқ қамраб олиш, шунингдек, болалар спорти иншоотлари, мусиқа ва санъат мактабларини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг моддий-техник базаларини мустаҳкамлаш, талаб ва стандартларга мувофиқ зарур спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозлаш мақсадида

## БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 мартдаги ПҚ-2503-сонли "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва-

зирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ҳамда 2016 йилда болалар спорти иншоотлари, сузиш ҳавзалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашнинг манзилли дастурларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 мартдаги ПҚ-2503-сонли қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш юзасидан Халқ таълими вазирлиги тизимида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур қарор билан:

республика ва ҳудудий ташкилотлар ҳамда корхоналар, шунингдек, хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига ихтиёрий хайрия ёрдамини 1-, 3-иловаларга мувофиқ йўллаш тўғрисидаги ташаббуси маъқулланганлиги;

Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган 2016 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси даромадлари ва харажатларининг прогноз параметрлари 4-, 5-иловаларга мувофиқ тасдиқланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, "Давархитектқурилиш" қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда тайёрланган 2016 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган болалар спорти иншоотлари, сузиш ҳавзалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш манзилли дастурлари 6-, 6а- ва 6б-иловаларга мувофиқ тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

4. Вазир ўринбосари (Э.Искандаров) га:

болалар спорти иншоотлари, сузиш ҳавзалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш манзилли дастурларига киритилган объектларда қурилиш пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган, ташкилотлар ўртасида пудрат танлов савдоларини 2016 йил 10 мартига қадар якунлаб, пудрат шартномаларини тузиш;

беш кун муддатда қурилиш-тиклаш ишларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда объектларнинг тармоқ жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

болалар спорти иншоотлари, сузиш ҳавзалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича 6-, 6а- ва 6б-иловаларга киритилган объектларни тасдиқланган намунавий лойиҳаларга мувофиқ, шаҳарсозлик норма ва қоидаларига, шунингдек, эксплуатация хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш;

2016 йил болалар спорти иншоотлари, сузиш ҳавзалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш манзилли рўйхатларини 2016 йил 15 мартига қадар тегишли вазирлик ва идоралар келишувидан ўтказиб тасдиқлаш ҳамда бир вақтнинг ўзида объект қийматининг 30 фоизи ҳисобидан бўнак (аванс) маблағларини молиялаштиришни амалга ошириш;

“Даварxитектқурилиш” қўмитаси билан ҳамкорликда болалар спорти иншоотлари, сузиш ҳавзалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларини намунавий лойиҳаларга мувофиқ равишда ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, бажарилаётган лойиҳа ва қурилиш-тиклаш ишларининг сифатига нисбатан қўйилган талабларга қатъий риоя этилишини ҳисобга олган ҳолда, буюртмачилар билан пудратчилар ўртасидаги шартнома мажбуриятлари бажарилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатиш;

2016 йилда фойдаланишга топшириладиган болалар спорти иншоотлари, сузиш ҳавзалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларида қурилиш-тиклаш ишларининг тасдиқланган тармоқ жадвалига асосан боришини назоратга олиш ва объектларни белгиланган муддатларда топширилишини таъминлаш;

2016 йилда фойдаланишга топшириладиган болалар спорти иншоотлари, сузиш ҳавзалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг белгиланган талаблар ва стандартларга мувофиқ зарур спорт анжомлар ва ускуналар билан ўз вақтида жиҳозланишини таъминлаш;

аввал фойдаланишга топширилган болалар спорти иншоотларидаги, жумладан, умумтаълим мактаблари спорт залларидаги эскирган спорт анжомлари ва ускуналарини белгиланган меъёрларга мувофиқ янгилашни давом эттириш;

2016 йилда фойдаланишга топшириладиган болалар спорти иншоотлари, сузиш ҳавзалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларида олиб борилаётган қурилиш-тиклаш ишларининг мониторинги-

ни олиб бориш ва мониторинг натижаларини ҳар 10 кунда Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

2016 йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг минтақавий филиаллари томонидан болалар спорти иншоотлари, сузиш ҳавзалари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилишига ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши ва смета харажатларига риоя этилиши устидан текширувлар ўтказилишини таъминлаш;

ҳар чорак якунларига бағишланган йиғилишларда болалар спорти иншоотлари, сузиш ҳавзалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларини уларнинг ўз вақтида ишга туширилиши ҳамда зарур спорт ускуна ва анжомлари билан жиҳозланишини муҳокама қилиб бориш ва Ҳомийлик кенгашига киритиш вазифалари топширилсин.

5. Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси (А.Алимов), Мусиқа ва санъат таълими муассасалари бошқармаси (Қ.Атамирзаев) Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг бошлиқлари билан биргаликда:

мазкур буйруқнинг иловаси билан тасдиқланган чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифаларни ўз муддатларида бажарилишини таъминлаш;

болалар спорти иншоотлари, сузиш ҳавзалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларида қурилиш-тиклаш ишларини тасдиқланган тармоқ жадвалига асосан бажарилишини назоратга олиш ва объектларни белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилишига эришиш;

йиғилишларда болалар спорти иншоотлари, сузиш ҳавзалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларини намунавий лойиҳаларга қатъий мувофиқ равишда ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда қурилишини муҳокама қилиб бориш вазифалари топширилсин.

6. Фойдаланишга топширилган болалар спорт иншоотлари, сузиш ҳавзалари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари қувватидан самарали фойдаланишда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳалқ таълими бошқармаси бошлиқлари шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин.

7. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари – Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ижро этувчи директори Э.Искандаров зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2016 йил 15 март* *73-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

### 2016 ЙИЛНИНГ ЁЗ МАВСУМИДА БОЛАЛАРНИ ДАМ ОЛДИРИШ ВА СОҒЛОМЛАШТИРИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ, МАВСУМНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Болаларнинг ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш мавсумини сифатли ташкил этиш, ёзги таътил давомида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига етарли шарт-шароитлар яратиш, бу борада республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳининг 2016 йил 10 мартдаги 34-сонли йиғилиш баёни ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингини таъминлаш бўйича республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳининг 2016 йил 10 мартдаги 34-сонли йиғилиш баёни ижро учун қабул қилинсин.

2. 2016 йил ёз мавсумида болаларни дам олдириш ва соғломлаштиришга тайёргарлик кўриш ҳамда мавсумни юқори савияда ўтказиш бўйича вазирлик ишчи гуруҳи таркиби 1-иловага, ёз мавсумида болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятини ташкил этиш бўйича услубий қўлланмаларни чоп этиш бўйича сарф-харажатлар сметаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳ (Д.Кенжаев)га:

2016 йил 25 мартга қадар ҳудудларда фаолият юритадиган кундузги оромгоҳлар дислокациясини Мувофиқлаштирувчи гуруҳга тақдим этиш;

жорий йилнинг 25 апрелига қадар оромгоҳларнинг педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва оромгоҳларда фаолият олиб борадиган педагог ходимлар-тарбиячи, етакчи ва тўгарак раҳбарларининг энг муносибларини танлаш ишларини амалга ошириш;

ихтисослашган оромгоҳлар, оромгоҳ раҳбарлари ва педагогик ходимлар учун услубий қўлланма лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда жорий йилнинг 15 майига қадар услубий қўлланмаларни 2000 нусхада кўпайтириш;

Республика Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш бўйича методик тавсияларни такомиллаштириш;

"Маънавият ва маърифат хоналари"ни зарур жиҳозлар билан таъминлаш, миллий истиқлол руҳи, "Соғлом она ва бола йили"ни акс эттирувчи турли мавзулардаги плакатлар, баннерлар, таълим-тарбиявий йўналишдаги шиорлар, кўргазмали воситалар билан безатишни ташкил этиш бўйича тегишли чораларни кўриш;

бир ой муддатда жорий йилда ташкил этиладиган ихтисослашган оромгоҳлар бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

жорий йилнинг 25 апрелига қадар "Камолот" ЁИҲ билан биргаликда 2016 йил ёз мавсумида оромгоҳларда фаолият олиб борадиган педагог ходимлар – тарбиячи, етакчи ва тўгарак раҳбарларини ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари ҳамда "Камолот" ЁИҲнинг ҳудудий ўқув-услубий марказларида ўқитиш ишларини ташкил этиш;

оромгоҳларда ташкил этиладиган тўгараклар фаолиятини алоҳида назоратга олиш, айниқса, чет тили тўгараклари машғулотларининг малакали мутахассис, ўқитувчи-талабалар томонидан олиб борилишини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда таъминлаш;

Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳининг навбатдаги йиғилишига тайёргарлик кўриш ҳамда йиғилиш жараёнида оромгоҳлар учун тегишли йўналишлар бўйича тарқатма материалларни (услубий қўлланмалар, шиорлар), намунавий лойиҳаларни, тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотни 25 апрелга қадар Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгашига такдим этиш вазифалари топширилсин.

4. А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Марказий институти (М.Юлдашев)га:

жорий йилнинг 1 апрелига қадар 2016 йил мавсумида оромгоҳларга юбориладиган педагог ходимлар малакасини ошириш бўйича ўқув режаларини ишлаб чиқиш;

25 апрелга қадар педагог ходимларни ҳудудлардаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларида ўқитиш жадваллари ишлаб чиқилишини ташкил

этиш вазифалари юклатилсин.

5. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси (Э.Искандаров) ва Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси (А.Алимов)га:

1 майга қадар оромгоҳларда спорт мусобақаларини ташкил этиш учун эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда таълим муассасаларида мавжуд спорт жиҳозларини вақтинча фойдаланиш учун ажратиш;

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, "Камолот" ЕИҲ билан биргаликда 25 майга қадар оромгоҳларга жалб этилмаган болалар учун маҳаллалардаги ва таълим муассасалари қошидаги спорт объектларида турли мусобақалар, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш юзасидан режа ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан оромгоҳларнинг спорт ва сузиш бўйича йўриқчилари, тўгарак раҳбарларига бўлган эҳтиёжини ўрганиш, шу асосда мавсум давомида барча оромгоҳларни тегишли кадрлар билан тўлдириш ишларида ҳамкорлик қилиш;

оромгоҳларда ўтказиладиган маданий-маърифий ва спорт тадбирларида республиканинг таниқли спортчилари иштирокини таъминлаш вазифалари топширилсин.

6. Мусиқа ва санъат таълими муассасалари бошқармаси (Қ.Атамирзаев)га:

оромгоҳларда болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларни маънавий баркамол инсонлар қилиб вояга етишига хизмат қиладиган болалар қўшиқлари, шеърлари ва куйларини яратиш бўйича ижодий танлов ташкил этилишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан ҳамкорлик қилиш;

танловга болалар мусиқа ва санъат мактабларининг ижодкор ўқувчиларини кенг жалб этилишини таъминлаш вазифалари топширилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

жорий йилнинг 19 мартига қадар ҳудудларда фаолият юритадиган кундузги оромгоҳлар дислокациясини вазирликка тақдим этиш, бунда болалар учун барча шароит ва қулайликлар мавжуд бўлган таълим муассасаларини танлашга алоҳида эътибор қаратиш;

25 апрелгача касаба уюшмалари ташкилотлари билан ҳамкорликда мавсум давомида оромгоҳларнинг педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш ҳамда 2016 йил ёз мавсумида оромгоҳларда фаолият олиб борадиган педагог ходимлар-тарбиячи, етакчи ва тўгарак раҳбарларининг энг муносибларини танлаб, уларнинг рўйхатини шакллантириш;

барча оромгоҳларда кўчма кутубхоналар фаолиятини ташкил этиш, уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, бадиий адабиётлар, газета ва журналлар билан таъминлаш бўйича тегишли чораларни кўриш;

“Маънавият ва маърифат хоналари”ни зарур жиҳозлар билан таъминлаш, миллий истиқлол руҳи, “Соғлом она ва бола йили”ни акс эттирувчи турли мавзулардаги плакатлар, баннерлар, таълим-тарбиявий йўналишдаги шиорлар, кўргазмали воситалар билан безатишни ташкил этиш бўйича тегишли чораларни кўриш;

оромгоҳларга бириктириладиган педагог ходимлар учун ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказиладиган ҳудудий ўқув-семинарларга тайёргарлик кўриш вазифалари топширилсин.

8. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Н.Муротов) ёз мавсумида болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятини ташкил этиш бўйича услубий қўлланмаларни чоп этиш харажатларини вазирликнинг марказлашган тадбирлари режасида назарда тутсин ҳамда мазкур буйруқ билан тасдиқланган смета асосида маблағларни Республика болалар кутубхонасининг шахсий ғазна ҳисоб варағига ўтказилишини таъминласин.

9. Республика болалар кутубхонаси (Д.Ўролов) сарф-харажатлар сметаси асосида услубий қўлланмаларни ўрнатилган тартибда 2016 йил 5 майга қадар чоп этилишини таъминласин ва ҳисоботларини Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармасига топширсин.

10. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг 2016 йил 15 мартдаги 73-сонли буйруғига 1-илова*

## 2016 йил ёз мавсумида болаларни дам олдириш ва соғломлаштиришга тайёргарлик кўриш ҳамда мавсумни юқори савияда ўтказиш бўйича вазирликнинг ишчи гуруҳи таркиби

| т/р | Исми шарифи | Лавозими |
|---|---|---|
| 1. | Д.Кенжаев | Вазир ўринбосари, раис |
| 2. | Д.Эрматов | “Баркамол авлод” болалар марказлари фаолиятини ташкил этиш шўъбаси мудири, котиб |
| 3. | Х.Даминов | Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи, аъзо |
| 4. | И.Зокиров | Республика таълим маркази директори, аъзо |
| 5. | Ж.Камолов | Маънавий-ахлоқий тарбия бўлими бошлиғи, аъзо |
| 6. | Д.Ўролов | Республика болалар кутубхонаси директори, аъзо |
| 7. | Х.Зокирова | “Баркамол авлод” республика болалар техник ижодиёт маркази директори, аъзо |
| 8. | З.Товбоев | “Баркамол авлод” республика болалар бадиий ижодиёт маркази директори, аъзо |
| 9. | Л.Ешмурзаева | “Баркамол авлод” республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази директори, аъзо |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2016 йил 25 март* *80-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

## “КИТОБХОН МАКТАБ” РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Китобхонликни тарғиб қилиш орқали ўқувчиларнинг маънавий дунёсини бойитиш, уларда маънавий таҳдидларга нисбатан соғлом иммунитетни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган умумтаълим мактабларини аниқлаш, уларни рағбатлантириш ҳамда вазирликнинг 2016 йил иш режаси ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

Умумтаълим мактаблари ўртасида “Китобхон мактаб” республика танлови жорий йилнинг апрель-июнь ойларида Халқ таълими вазирининг 2013 йил 31 январдаги 35-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Китобхон мактаб” танлови низоми асосида ўтказилсин.

2. “Китобхон мактаб” республика танловини ўтказиш бўйича Республика ишчи гуруҳи таркиби 1-иловага, сарф-харажатлар сметаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Танловнинг республика босқичи жорий йил 17 июнь куни Республика илмий педагогика кутубхонасида ўтказилсин.

4. Ишчи гуруҳ (Ҳ.Даминов)га:

ҳакамлар ҳайъати таркибини тасдиқлаш;

танловни ўтказиш жараёнларини мувофиқлаштириш, жойларга услубий ёрдам кўрсатиш вазифалари топширилсин.

5. Республика илмий педагогика кутубхонаси (Д.Ғаниева)га:

тадбирни юқори савияда ўтказиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

танлов ғолибларини тақдирлаш учун совғаларни харажатлар сметаси асосида ўрнатилган тартибда харид қилиш вазифалари топширилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

танловни Низом асосида самарали ташкил этиш ва ўтказиш учун алоҳида масъулларни белгилаш, туман (шаҳар) ва вилоят босқичларини ўтказиш бўйича барча зарурий шарт-шароитларни яратиш;

танловнинг ҳудудий босқич якунлари бўйича натижаларини ўрнатилган тартибда жорий йилнинг 5 июнь кунига қадар Республика илмий педагогика кутубхонасига тақдим этиш;

танловнинг ҳудудий босқич ғолибларининг республика босқичида иштирок этиши учун жорий йил 16 июнь куни соат 18-00 га қадар “Баркамол авлод” республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази тасарруфидаги “Ёш ўлкашунос” сайёҳлик базаси (Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, У.Носир кўчаси, 109-уй)га етиб келишини таъминлаш;

танловнинг республика босқичи ғолибларига тақдим қилинган китоблар тўпламларини умумтаълим мактаби кутубхонаси фондига кирим қилинишини таъминлаш вазифалари топширилсин.

7. “Баркамол авлод” республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази (Л.Ешмурзаева) танлов иштирокчиларини бепул ётоқ жой билан таъминласин.

8. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Н.Муротов)га танловни ўтказиш бўйича сарф-харажатлар сметасида режалаштирилган маблағларни Республика илмий педагогика кутубхонаси шахсий ғазна ҳисоб варағига ўтказилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

9. Республика илмий педагогика кутубхонаси (Д.Ғаниева)га танлов ғолиблари учун мазкур буйруқ билан тасдиқланган танловни ўтказиш бўйича сарф-харажатлар сметаси асосида совғаларни харид қилиш ва ҳисоботларини Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармасига топшириш вазифаси юклатилсин.

10. Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев), “Маърифат”, “Учитель Узбекистана” газеталари (А.Раҳимов)га танловнинг ўтказилиши билан боғлиқ жараёнларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

11. Танловнинг республика босқичида иштирок этувчиларнинг хизмат сафари билан боғлиқ харажатлар асосий иш жойларидан тўлансин.

12. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Халқ таълимили вазирининг*
*2016 йил 25-мартдаги*
*80-сонли буйруғига 1-илова*

## “Китобхон мактаб” республика танловини ўтказиш бўйича Республика ишчи гуруҳи таркиби

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Ҳ.Даминов | Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи, ташкилий қўмита раиси |
| 2. | Д.Эрматов | “Баркамол авлод” болалар марказлари фаолиятини ташкил этиш шўъбаси раҳбари, аъзо |
| 3. | Д.Ғаниева | Республика илмий педагогика кутубхонаси директори, аъзо |
| 4. | Д.Ўролов | Республика болалар кутубхонаси директори, аъзо |
| 5. | Р.Ратнер | Республика илмий педагогика кутубхонаси бўлим бошлиги, аъзо |
| 6. | Д.Мамасолиев | Республика илмий педагогика кутубхонаси бош ҳисобчиси |

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2016 йил 26 март* *81-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

## “ЙИЛ ТАРБИЯЧИСИ” КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2013 йил 19 сентябрдаги 302-сон буйруғи (рўйхат рақами 2517, 2013 йил 18 октябрь) билан тасдиқланган Мактабгача таълимга қўйилган Давлат талабларини амалиётга татбиқ этиш ва янги педагогик технологияларни ҳаётга татбиқ этаётган мактабгача таълим муассасаларининг илғор тарбиячиларини аниқлаш, мактабгача таълимни ислоҳ қилишда таълим-тарбиянинг ноанъанавий йўлларини жорий этиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Халқ таълими тизимидаги мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ўртасида жорий йилнинг апрель-июнь ойлари давомида тўрт босқичли “Йил тарбиячиси” кўрик-танлови (бундан буён матнда кўрик-танлов деб юритилади) ўтказилсин.
2. Кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага, кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби 2-иловага ва кўрик-танловнинг Республика босқичини ўтказиш бўйича сарф-харажатлар сметаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Кўрик-танловнинг Республика босқичи 2016 йилнинг 28-30 июнь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилиши белгилаб қўйилсин.
4. Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Республика ўқув-методика маркази (М.Аъзамова)га 2016 йилнинг 15 июнига қадар кўрик-танловнинг Республика босқичини ташкил этиш ва ўтказиш сценарийсини тайёрлаш ҳамда вазирлик раҳбариятига киритиш вазифаси юклатилсин.
5. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси

(Н.Муротов) мазкур буйруқнинг 3-иловасида кўрсатилган сарф-харажатлар сметасига асосан маблағларни Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Республика ўқув-методика марказининг шахсий ғазна ҳисоб варағига ўтказиб берсин.

6. Мактабгача таълим муассасалари бўлими (С. Мирджалилова) кўрик-танловнинг Республика босқичини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш чораларини кўрсин.

7. Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев), "Маърифат" ва "Учитель Узбекистана" газеталари (А.Раҳимов) ZiyoNET.uz ресурс марказининг вазирлик ҳузуридаги бўлими (У.Тайлақов)га кўрик-танловнинг ўтказилиши билан боғлиқ жараёнларни оммавий ахборот воситаларида, вазирликнинг расмий веб-сайти ва Ziyonet.uz порталида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг 2016 йил 26 мартдаги 81-сонли буйруғига 1-ИЛОВА*

**“Йил тарбиячиси” кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2013 йил 19 сентябрдаги 302-сон буйруғи (рўйхат рақами 2517, 2013 йил 18 октябрь) билан тасдиқланган Мактабгача таълимга қўйилган Давлат талабларига (бундан буён матнда Давлат талаблари деб юритилади) мувофиқ, мактабгача таълим муассасаларининг тарбиячилари ўртасида “Йил тарбиячиси” кўрик-танловини (бундан буён матнда кўрик-танлов деб юритилади) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги барча мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ўртасида ўтказилади.

2. Кўрик-танловнинг барча босқичларини адолатли ўтказилишига ва унда қатнашиш учун кўрик-танловнинг шартларига муносиб иштирокчиларни танлаш юзасидан масъулият тегишлилигига қараб Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халк таълими бошқармалари (бундан буён матнда бошқармалар деб юритилади), халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари ҳамда мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари зиммасига юклатилади.

3. Кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча чора-тадбирлар ва ташкилий ишлар кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (бундан буён матнда ташкилий қўмита деб юритилади) томонидан мувофиқлаштирилади.

**2-боб. Кўрик-танловнинг мақсад ва вазифалари**

4. Кўрик-танловнинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури

тўғрисида"ги қонунлари ва Давлат талабларини ҳамда янги педагогик технологияларни ҳаётга татбиқ этаётган мактабгача таълим муассасаларининг илғор тарбиячиларини аниқлаш, уларнинг истеъдоди ва ижодий қобилиятини намоён этиш ҳамда рағбатлантиришдан иборат.

5. Кўрик-танловнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

а) Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунлари, Давлат талаблари ҳамда "Болажон" таянч дастурига мувофиқ мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг касбий билимлари ва кўникмаларини такомиллаштириш;

б) инновацион педагогик технологияларни ҳаётга кенг тарғиб этиш, мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг ижодий изланишларини жонлантириш;

в) Давлат талаблари ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда тарбия беришнинг ноанъанавий усулларини ишлаб чиқиш;

г) мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг ўз мутахассислигини чуқур ўрганишга қизиқишини ошириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

д) миллий қадриятлар ва анъаналарга таянган ҳолда таълимнинг изчиллиги ва узлуксизлигини таъминлаш;

е) мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг юксак маънавияти, маънавий-ахлоқий фазилатлари ҳамда уларнинг ташаббускорлиги ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантириш.

### 3-боб. Танловда иштирок этиш

6. Кўрик-танловда камида 3 йиллик педагогик стажга эга бўлган (ўрта махсус ёки олий маълумотли) тарбиячи қатнашиш ҳуқуқига эга.

7. Кўрик-танловда қатнашишни хоҳлаган мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси ўзи ишлаётган мактабгача таълим муассасасидаги ташкилий қўмитага қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) номзоднинг кўрик-танловда иштирок этиш истаги билдирилган аризаси;

б) номзоднинг фуқаролик паспорти нусхаси;

в) номзоднинг педагогик фаолияти юзасидан маълумотномаси (объективка);

г) номзодга мактабгача таълим муассасаси мудираси томонидан берилган ходим фаолияти ҳақида тавсифнома;

д) номзоднинг қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус маълумоти ҳақидаги олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасасини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломи нусхаси;

е) номзоднинг 4 дона (2 дона 3 х 4 см ҳажмда ва 2 дона 9 х 12 см ҳажмда) рангли фотосурати.

8. Кўрик-танловга қатнашиш учун тегишли муддатдан кечикиб топширилган ҳужжатлар қабул қилинмайди.

## 4- боб. Кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

9. Кўрик-танлов қуйидаги тўрт босқичда ўтказилади:

а) биринчи босқич мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ўртасида (жорий йилнинг 1 апрель кунига қадар);

б) иккинчи босқич туман (шаҳар)лардаги мактабгача таълим муассасаларининг ғолиб тарбиячилари ўртасида (жорий йилнинг 15 апрель кунига қадар);

в) учинчи босқич Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлардаги туман (шаҳар) бўйича мактабгача таълим муассасаларининг ғолиб тарбиячилари ўртасида (жорий йилнинг 1 май кунига қадар);

г) тўртинчи босқич Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар бўйича ғолиб бўлган мактабгача таълим муассасаларининг тарбиячилари ўртасида (жорий йилнинг июнь ойида).

10. Ушбу Низом асосида кўрик-танловнинг барча босқичида ташкилий қўмита тузилади. Ташкилий қўмитанинг аъзолари ҳакамлар ҳайъати, кўрик-танлов қатнашчиси сифатида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас. Шунингдек, ҳакамлар ҳайъати ва эксперт комиссиялари таркиби аъзоларини шакллантиришда кўрик-танлов қатнашчиси бевосита уларга бўйсуниб ёки уларнинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, мазкур ходимлар ҳакамлар ҳайъати таркибига киритиш мумкин эмас.

11. Кўрик-танловнинг биринчи босқичини ўтказиш учун мактабгача таълим муассасалари мудир (мудира)лари масъулдир. Мудир (мудира)нинг буйруғи билан кўрик-танловни ўтказиш вақти, жойи, ташкилий қўмита, ҳакамлар ҳайъати тасдиқланади ва мазкур низомга мувофиқ ўтказилади.

12. Кўрик-танловнинг иккинчи босқичини ўтказиш учун халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларининг мудири масъулдир.

Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари мудирларининг

буйруғи билан кўрик-танловни ўтказиш вақти, жойи, ташкилий қўмита, ҳакамлар ҳайъати таркиби тасдиқланади ва мазкур низомга мувофиқ ўтказилади.

Кўрик-танлов натижалари асосида халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими мудири буйруғи асосида ғолибнинг барча ҳужжатлари бошқарманинг ташкилий қўмитасига топширилади.

13. Кўрик-танловнинг учинчи босқичига бошқармалар бошлиқлари масъулдир.

Бошқармалар бошлиқларининг буйруғи билан кўрик-танловни ўтказиш вақти, жойи, ташкилий қўмита, ҳакамлар ҳайъати таркиби тасдиқланади ва мазкур низомга мувофиқ ўтказилади.

Кўрик-танлов натижалари бошқармаларнинг ҳайъат мажлисларида муҳокама қилинади ва номзоднинг ғолиб бўлганлиги тўғрисидаги қарор, тавсия этувчи буйруқ билан бирга барча ҳужжатлари жорий йилнинг 1 июнь кунига қадар Республика кўрик-танловини ўтказувчи ташкилий қўмитага тақдим этилади.

14. Тўртинчи босқичда учинчи босқичда ғолибликни қўлга киритган номзодлар иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг буйруғи билан кўрик-танловни ўтказиш вақти, жойи, ташкилий қўмитаси, ҳакамлар ҳайъати ва апелляция комиссияси таркиби тасдиқланади.

15. Кўрик-танловнинг тўртинчи босқичида ҳакамлар ҳайъати таркибига қуйидагилар киритилиши мумкин:

а) Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Республика ўқув-методика маркази мутахассиси;

б) Педагогика институтларининг мактабгача таълим кафедраси мутахассиси;

в) Педагогика коллежининг мактабгача таълим бўйича мутахассиси;

г) мактабгача таълим йўналиши бўйича фахрий педагоглар;

д) мактабгача таълим йўналиши бўйича нодавлат таълим муассасалари мутахассиси.

16. Кўрик-танлов қуйидаги шартлар асосида ўтказилади:

а) мактабгача таълим йўналиши бўйича тест саволлари;

б) бугунги кун тарбиячиси қандай бўлиши кераклиги тўғрисида такдимот (презентация)ни ўтказиш;

в) тарбияланувчилар билан очиқ машғулот ўтказиш;

г) қўлда ясалган дидактик материалларни намойиш қилган ҳолда тарбияланувчилар учун эртак, ҳикоя ёки масалдан парча (фрагмент) ижро этиш.

17. Кўрик-танлов номзодларига бериладиган тест саволлари ташкилий қўмита аъзолари томонидан тузилади ва унинг махфийлигини сақланишига улар масъулдир.

## 5-боб. Кўрик-танлов иштирокчиларини баҳолаш

18. Иштирокчилар кўрик-танловнинг биринчи кунида мактабгача таълим йўналиши бўйича тест саволлари ва бугунги кун тарбиячиси қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги тақдимот (презентация) ни ўтказиш шартларини, иккинчи кунида ташкилий қўмита аъзолари томонидан танланган мактабгача таълим муассасасида тарбияланувчилар билан очиқ машғулот ўтказиш шартини, учинчи кунида эса қўлда ясалган дидактик материалларни намойиш қилган ҳолда тарбияланувчилар учун эртак, ҳикоя ёки масаллардан парча ижро этиш шартини бажаради.

19. Иштирокчилар учун 40 та тест саволлари берилади, тест саволларини ечиш жараёнида тарбиячининг ҳар бир тўғри жавоби учун 1 балл, нотўғри жавоби учун эса 0 балл қўйилади. Иштирокчиларга ушбу шартни бажариши учун 40 дақиқа вақт ажратилади.

20. Иштирокчиларнинг кўрик-танловнинг бугунги кун тарбиячиси қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги мавзусида слайдлар тақдимоти (презентацияси)ни ўтказиш шартига 5 дақиқа вақт ажратилади. Иштирокчилар ушбу шартда 5 баллик тизимда баҳоланади.

21. Иштирокчиларга мактабгача таълим муассасасида тарбияланувчилар билан очиқ машғулот ўтказиш шартини бажаришлари учун 15 дақиқа вақт ажратилади. Иштирокчилар учун кўрик-танловнинг биринчи кунида қуръа ташлаш орқали, машғулот тури ва гуруҳ (ўрта, катта, тайёрлов) тури аниқлаб олинади.

22. Иштирокчилар машғулотни бажарганлигига қараб қуйидаги мезонлар асосида 1 баллдан 3 баллгача бўлган тизимда баҳоланади:

а) машғулот мазмунининг дастур талаблари ва режага мослиги;

б) машғулот конспектидан оқилона фойдаланиши;

в) кўргазмали ва тарқатма материалларнинг гигиеник талабларга жавоб бериши ва улардан оқилона фойдаланиши;

г) машғулотга қўйилган санитария-гигиена талабларига риоя қилиниши (тарбияланувчиларнинг тўғри ўтириши, дам олиш дақиқалар (физ. дақиқа);

д) иштирокчи томонидан машғулот давомида тарбияланувчилар нутқига эътибор қаратилиши;

е) иштирокчининг нутқи, дикцияси ва ролга киришиши;

ж) машғулот давомида тарбияланувчиларни қизиқтира олиши;

з) тарбияланувчиларни рағбатлантириши ва уларнинг ишини баҳолаши;

и) машғулот йўналишларини тўғри ташкил этиши;

к) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиши;

л) машғулотни умумлаштириши ва якунлаши.

23. Иштирокчилар ўз қўллари билан ясаб келган дидактик материалларни намойиш қилган ҳолда тарбияланувчилар учун эртак, ҳикоя ёки масаллардан парча (фрагмент) ижро этиш шартини бажариши учун 5 дақиқа вақт ажратилади. Иштирокчиларга ушбу шартни бажаришида ҳамкасблари ҳам ёрдам бериши мумкин.

24. Иштирокчиларнинг ушбу шартни бажарганлигига қараб қуйидаги мезонлар асосида 1 баллдан 3 баллгача бўлган тизимда баҳоланади:

а) тайёрланган дидактик материалнинг дастур талабларига жавоб бериши;

б) дидактик материалларнинг тарбияланувчилар ёшига мослиги;

в) танланган эртак, ҳикоя ёки масаллардан парча (фрагмент) нинг болалар ёшига мослиги;

г) иштирокчининг маҳорати (нутқи, дикцияси, ролга киришиши) ва эртак, ҳикоя ёки масаллардан ижро этилаётган парча (фрагмент) даги ижроси;

д) танланган эртак, ҳикоя ёки масаллардан парча (фрагмент)ни ижро этишда миллийликка асосланганлиги;

е) танланган эртак, ҳикоя ёки масаллардан парча (фрагмент)га танланган мусиқа ва фонларнинг ёрқинлиги ва мавзусига мослиги;

ж) танланган эртак, ҳикоя ёки масаллардан парча (фрагмент) ғоясининг долзарблиги (қиссадан ҳисса).

## 6-боб. Кўрик-танловни молиялаштириш ва иштирокчиларни рағбатлантириш

25. Кўрик-танлов иштирокчиларининг йўл, овқатланиш ва турар-жой харажатлари уларнинг асосий иш жойлари ҳисобидан қопланади.

26. Кўрик-танловни ўтказиш билан боғлиқ бўлган қуйидаги харажатлар учун Ўзбекистон Республикасининг Халқ таълими вазирлиги томонидан маблағ ажратилади:

дипломлар;

кўрик-танлов ғолибларига эсдалик учун совғалар;

иштирокчилар учун бериладиган гулдасталар;

босмахона ва канцелярия товарлари;

кўрик-танлов ўтадиган саҳналарни безаш харажатлари.

27. Кўрик-танловни молиялаштириш учун жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳам жалб этилиши мумкин.

28. Кўрик-танловнинг барча босқичларида ўзининг ижодкорлиги, билимдонлиги, болажонлиги ва касбга меҳрини, чиройли суҳандонлигини намоён эта олган, ўз касбининг фидоийси даражасига кўтарилган тарбиячи аниқланади.

Кўрик-танловда умумий баллари энг юқори бўлган 1 нафар тарбиячи "Йил тарбиячиси" учун кубок, қолганларига эса истеъдодига қараб номинация (ташаббускор, болажон, ижодкор, изланувчи, зукко, фаол, қувноқ, энг ёш тарбиячи ва ҳ.к.) берилади.

Кўрик-танлов иштирокчилари жамоат ташкилотлари ҳамда ҳомийлар таъсис этган мукофот ва совринлар билан ҳам тақдирланиши мумкин.

Республика кўрик-танловнинг совриндорлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан дипломлар, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланади.

## 7-боб. Кўрик-танлов натижалари юзасидан берилган мурожаатларни кўриб чиқиш

29. Кўрик-танлов иштирокчиларининг мурожаатларини кўриб чиқиш учун ташкилий қўмита қарори билан 3 кишидан иборат таркибда апелляция комиссияси тузилади.

Апелляция комиссияси ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъати таркибида бўлмаган соҳа мутахассисларидан шакллантирилади.

30. Кўрик-танлов натижаси бўйича мурожаатлар иштирокчилар ёки уларнинг раҳбарлари томонидан берилиши мумкин.

31. Мурожаатлар улар келиб тушган пайтдан бошлаб 6 соат ичида апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва қабул қилинган қарор натижаси бўйича у қабул қилинган пайтдан бошлаб 2 соат ичида мурожаат қилган шахсга ёзма равишда маълум қилинади.

Мурожаатни кўриб чиқиш вақтида мурожаат қилган иштирокчилар апелляция комиссияси ишида иштирок этиши мумкин.

32. Апелляция комиссияси мурожаатни кўриб чиқиш натижаларига кўра кўрик-танлов натижасини бекор қилиши ёки унга тегишли ўзгартиришлар киритиши мумкин.

## 8-боб. Якуний қоидалар

33. Апелляция комиссиясининг мурожаатни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилган қарори юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

34. Танловни ўтказиш жараёнлари бўйича келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
## ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ
## ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ
## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВАЗИРЛИГИ
## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ

## Қ А Р О Р И

## ЕТИМ ВА ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН, ТЎЛИҚ ДАВЛАТ ТАЪМИНОТИДА БЎЛМАГАН ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ ТОМОНИДАН ТАНЛАБ ОЛИШ ҲАМДА УЛАРГА НАФАҚА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 18 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2779**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги ПҚ-2487-сон «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Меҳнат вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, тўлиқ давлат таъминотида бўлмаган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан танлаб олиш ҳамда уларга нафақа тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори** **У. Салимов**

*Тошкент ш.,*
*2016 йил 15 апрель,*
*38/ққ-сон*

**Меҳнат вазири** **А. Абдуҳакимов**

*Тошкент ш.,*
*2016 йил 15 апрель,*
*6/ққ-сон*

**Халқ таълими вазири** **У. Иноятов**

*Тошкент ш.,*
*2016 йил 15 апрель,*
*4-мҳ-сон*

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Меҳнат вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 15 апрелдаги 38/ққ, 6/ққ, 4-мҳ-сон қарорига*
*ИЛОВА*

**Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, тўлиқ давлат таъминотида бўлмаган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан танлаб олиш ҳамда уларга нафақа тўлаш тартиби тўғрисидаги**
**НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги ПҚ-2487-сон «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, тўлиқ давлат таъминотида бўлмаган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини (бундан буён матнда битирувчи деб юритилади) «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан танлаб олиш ҳамда уларга нафақа тўлаш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Қуйидаги тоифадаги битирувчилар мазкур Низомда белгиланган тартибда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобига тўланадиган энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма баравари

миқдорида бир йўла нафақа (бундан буён матнда нафақа деб юритилади) олиш учун мурожаат қилиш ҳуқуқига эга:

етим болалар – отаси ҳам, онаси ҳам вафот этган ёки улар суд қарорига биноан вафот этган деб эълон қилинган болалар;

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар – ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чекланган, улар муомалага лаёқатсиз деб топилган, касал бўлган, узоқ муддат бўлмаган, ота-она болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаган, шу жумладан ота-она тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардаги боласини олишдан бош тортган, шунингдек, бошқа сабабларга кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар.

Бунда битирувчи ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасида ўқиш даврида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган муассасаларга жойлаштирилмаган ва бошқа қонуний вакиллари – васийси, ҳомийси, тутинган ота-онаси (патронат) қарамоғида турган бўлиши лозим.

2. Мазкур Низом ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасида ўқиш даврида тўлиқ давлат таъминотида бўлган болаларга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Нафақа битта битирувчига фақат бир марта, яъни ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасини битириб, ишга жойлашганида берилади.

4. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди 2015/2016 ўқув йилидан бошлаб мунтазам равишда битирувчиларга нафақа тўлаш учун маблағлар ажратишни режалаштиради. Нафақа тўлаш учун ажратиладиган маблағлар миқдори «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланади.

## 2-боб. Нафақа олиш ҳақидаги мурожаатларни кўриб чиқиш

5. Битирувчи нафақа олиш учун ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасини битириб, ишга жойлашгандан кейин ўзи тамомлаган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси директорига нафақа берилишини сўраб ариза билан мурожаат қилади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

туғилганлик ҳақида гувоҳнома (асли кўрсатилган ҳолда нусхаси тақдим этилади);

фуқаролик паспорти (асли кўрсатилган ҳолда нусхаси тақдим этилади);

ўрта махсус ва касб-ҳунар маълумоти тўғрисида диплом (асли кўрсатилган ҳолда нусхаси тақдим этилади);

васий ёки ҳомий тайинлаш ҳақида туман (шаҳар) ҳокими қарорининг ёки болани оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисидаги келишувнинг нусхаси;

доимий яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган битирувчининг оилавий ва мулкий аҳволи ҳақида маълумотнома;

солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);

меҳнат дафтарчасининг иш берувчи томонидан тасдиқланган нусхаси;

битирувчи ёки унинг ота-онасида мулк ҳуқуқи асосида кўчмас мулк мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) ҳақида туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк давлат корхонаси томонидан берилган маълумотнома;

битирувчининг тиббий-ижтимоий аҳволи – ногиронлиги, узоқ муддат даволанишга муҳтожлиги ёки меҳнатга вақтинча лаёқатсизлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (мавжуд бўлган тақдирда).

6. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси директори ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг тўлиқлигини текшириб қабул қилади ҳамда бир иш куни ичида кузатув хати билан «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимига (бундан буён матнда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлими деб юритилади) тақдим этади.

7. Аризаларни кўриб чиқиш учун «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлими ҳузурида комиссия ташкил этилади. Комиссия таркибига қуйидагилар киритилади:

«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлими бошқаруви раиси – комиссия раиси;

ҳудудий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи – комиссия аъзоси;

Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Меҳнат бош бошқармаси бошлиғи – комиссия аъзоси;

«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлими бошқарувининг ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича етакчи мутахассиси – комиссия масъул котиби.

Комиссия ишига заруратга қараб ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси директорлари, васийлик ва ҳомийлик органлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман (шаҳар) бўлинмаси бошқаруви раислари ҳам овоз бериш ҳуқуқисиз жалб этилиши мумкин.

8. Аризалар комиссиянинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади. Комиссия мажлислари комиссия раиси томонидан заруратга қараб, лекин ҳар чоракда камида бир марта чақирилади.

Комиссия мажлисида комиссия аъзоларининг барчаси иштирок этиши шарт.

9. Аризаларни кўриб чиқишда комиссия томонидан қуйидаги масалалар ўрганилади:

битирувчининг ота-она қаровисиз қолишига асос бўлган ҳолатлар (ота-онаси вафот этган, бедарак йўқолган, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, узоқ муддат ишлаш, ўқиш ёки бошқа мақсадларда кетган, озодликдан маҳрум этилган ва ҳ. к.);

доимий яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳамда туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан берилган маълумотномаларга кўра битирувчининг оилавий ва мулкий аҳволи, турар жой билан таъминланганлик даражаси;

битирувчи тақдим этган ҳужжатларга кўра унинг тиббий-ижтимоий аҳволи (ногиронлиги, узоқ муддат даволанишга муҳтожлиги ёки меҳнатга вақтинча лаёқатсизлиги).

10. Комиссия мазкур Низомнинг 9-бандида кўрсатилган ҳолатларни ўрганиш натижаларига кўра битирувчининг нафақа олишга муҳтож ёки муҳтож эмаслиги ҳақида қарор қабул қилади.

11. Комиссия қарорлари комиссия аъзоларидан камида учтасининг овози билан қабул қилинади. Комиссия қарори комиссия мажлиси баёни шаклида расмийлаштирилади ва унинг барча аъзолари томонидан имзоланади.

12. Комиссия қарорига кўра нафақа олишга муҳтож деб топилган битирувчилар рўйхати уч иш куни ичида тасдиқлаш учун битирувчининг доимий яшаш жойидаги туман (шаҳар) ҳокимлигига юборилади.

13. Нафақа олишга муҳтож деб топилган битирувчилар рўйхати беш иш куни ичида васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан кўриб чиқилиб, туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан тасдиқланади ва «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлимига тақдим этилади. «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлими икки иш куни ичида битирувчиларни рўйхатга киритилганлиги ҳақида хабардор қилади.

## 3-боб. Нафақаларни тўлаш учун пул маблағларини ўтказиш

14. Нафақа битирувчига хизмат кўрсатувчи тижорат банкда очилган омонат (депозит) ҳисобварағига ёки банк пластик картасига

«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлими томонидан ўтказиб берилади.

15. Пул маблағлари битирувчи «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлимига ўзининг банк маълумотларини тақдим этган кундан бошлаб икки иш куни ичида ўтказиб берилади.

16. Нафақа суммаси пул маблағи ўтказиб берилаётган кундаги энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Битирувчининг сўровига кўра «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлими томонидан тегишли тўлов топшириқномасининг нусхаси тақдим этилади.

## 4-боб. Якуний қоидалар

17. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

18. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси директори Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги учун масъул ҳисобланади.

19. Комиссия раиси ва аъзолари ҳужжатларни кўриб чиқишнинг холис бўлиши учун масъул ҳисобланади.

20. Васийлик ва ҳомийлик органлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокими нафақа тайинланадиган битирувчининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасида ўқиш даврида тўлиқ давлат таъминотида бўлмаганлигини, хусусан, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган муассасаларга жойлаштирилмаганлиги ва бошқа қонуний вакиллари – васийси, ҳомийси, тутинган ота-онаси (патронат) қарамоғида турганлигини тасдиқлаш учун масъул ҳисобланади.

21. «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлими пул маблағларининг ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилиши учун масъул ҳисобланади.

22. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси директори, комиссия, васийлик ва ҳомийлик органлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимининг хатти-ҳаракатларидан (қарорларидан) норози бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) ёки судга шикоят қилишга ҳақли.

23. Мазкур низом «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан келишилган.

**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди**
**бошқаруви раиси** **Ж. Иноғомов**
*2016 йил 15 апрель*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2016 йил 21 апрель* *98-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

## ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИНИ 2016-2017 ЎҚУВ ЙИЛИ ВА КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРЛАШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 8 апрелдаги селектор йиғилишининг 44-сонли баёни ижросини таъминлаш ҳамда Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасаларни 2016-2017 ўқув йили ва куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларини ташкил этиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Респўбликаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 8 апрелдаги селектор йиғилишининг 44-сонли баёнида белгиланган вазифалар раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

4. Форумнинг асосий тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий-ижодий гуруҳи (Д.Кенжаев)га:

2016 йилнинг 1 майига қадар Форумни ўтказиш бўйича дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш;

Форум ўтказиладиган Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети анжуманлар залига Форум иштирокчиларини жойлаштириш схемасини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети анжуманлар зали ва фойесини тасвирий воситалар ва гуллар билан безаш ишларини ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

5. Форум иштирокчиларини кутиб олиш, жойлаштириш ва кузатиш бўйича гуруҳи (Б.Данияров)га тегишли ташкилот ва муассасалар билан келишган ҳолда:

Форум иштирокчиларига хизмат кўрсатиш учун транспортларнинг ҳаракат дастурини тузиш;

ҳаракат дастури асосида тадбир иштирокчиларини олиб юрувчи транспортларнинг тадбирлар вақтида йўл ҳаракати хафсизлик хизмати кузатувида юришини ташкил этиш;

ҳудудлардан таклиф этилган меҳмонлар турадиган ётоқхоналар, меҳмонлар ҳаракатланадиган транспортларнинг ҳаракат дастури ҳамда тадбирлар ўтказиладиган жойларнинг аниқ манзиллари ҳақидаги маълумотларни Ички ишлар вазирлигига тақдим этиш;

Форум иштирокчилари жойлашадиган Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи биноларининг киришида навбатчилик ташкил этиш чораларини кўриш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда Форум ўтказиладиган бинода ҳамда иштирокчиларнинг яшаш жойларида тиббий хизмат кўрсатилишини ташкил этиш;

Форум иштирокчиларининг яшаш, овқатланиш жойларини санитария-гигиена талабларига жавоб беришини таъминлаш ва қатъий назорат ўрнатиш;

Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда Форум ўтадиган жойларда жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати, ёнғин ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

6. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти (Н.Тайлақов), А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Марказий институти (М.Юлдашев), Республика таълим маркази (И.Зокиров)га:

Форумга келиб тушган илмий мақолаларни мутахассислар иштирокида кўриб чиқиш ҳамда тўплам сифатида чоп эттириш чораларини кўриш;

Форум ҳақида манфаатдор ташкилотлар, муассасалар ва оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш вазифалари юклатилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, Давлат педагогика институтлари ҳамда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтлари ректорлари, вазирлик тасарруфидаги барча таълим муассасалари ва ташкилотлари раҳбарларига:

мазкур буйруқнинг 5-иловасига мувофиқ Форум иштирокчилари рўйхатини шакллантириш;

иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминлаган ҳолда белгиланган муддатларда Тошкент шаҳрига келишлари ва кетишларини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

8. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Н.Муротов) Форум тадбирларини ўтказиш бўйича тегишли маблағларни Республика таълим маркази, Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг ҳисоб варақларига ўтказилишини таъминласин.

9. Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев), “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари (А.Раҳимов) ҳамда вазирлик муассислигидаги барча газета ва журналлар таҳририятларига Форумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан амалга оширилган ишларни Республика оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш ва вазирликнинг веб-сайтига жойлаштириб бориш тавсия этилсин.

10. Форум иштирокчиларининг хизмат сафарлари билан боғлиқ сарф-харажатлари ходимларнинг асосий иш жойларидан тўланиши белгилаб қўйилсин.

11. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Даніяров, вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммаларига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг*
*2016 йил 22 апрелдаги*
*100-сонли буйруғига 1-илова*

**Бошланғич таълим ўқитувчилари форумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича вазирликнинг ташкилий қўмитаси таркиби**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Б.Данияров | – | Вазирнинг биринчи ўринбосари, раис |
| 2. | Д.Кенжаев | – | Вазир ўринбосари, раис ўринбосари |
| 3. | У.Абруев | – | Вазир ўринбосари, раис ўринбосари |
| 4. | Т.Вакилов | – | Умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси бош назоратчиси, котиб |
| | | | **Аъзолар:** |
| 5. | Ш.Эргашев | – | Умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи |
| 6. | Ф.Аҳмедов | – | Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи |
| 7. | Б.Шамсиев | – | Кадрлар бошқармаси бошлиги |
| 8. | Х.Даминов | – | Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи |
| 9. | Н.Муротов | – | Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи |
| 10. | Қ.Атамирзаев | – | Мусиқа ва санъат таълим муассасалари бошқармаси бошлиғи |
| 11. | И.Аллаберганов | – | Назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи |
| 12. | И.Зокиров | – | Республика таълим маркази директори |
| 13. | Б.Шайвалиев | – | Вазирлик ахборот хизмати раҳбари |
| 14. | Ҳ.Саидов | – | “Бошланғич таълим” журнали бош муҳаррири |
| 15. | М.Мирҳайдаров | – | “Ўқув таълим-таъминот” ДУК раҳбари |
| 16. | З.Холмирзаев | – | Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи директори |
| 17. | Лавозими бўйича | – | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари |

*Халқ таълими вазирининг*
*2016 йил 22 апрелдаги*
*100-сонли буйруғига 2-илова*

**Бошланғич таълим ўқитувчилари форумининг асосий тадбирлари дастурини ишлаб чиқиш ва ўтказиш бўйича ташкилий-ижодий гуруҳ таркиби**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Д.Кенжаев | – | Вазир ўринбосари, раис ўринбосари |
| 2. | Х.Даминов | – | Маънавий-ахлокий тарбия бошқармаси бошлиғи, раис ўринбосари |
| 3. | Ж.Камолов | – | Маънавий-ахлоқий тарбия бўлими бошлиғи, котиб |
| | | | **Аъзолар:** |
| 4. | Ш.Эргашев | – | Умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи |
| 5. | Ф.Аҳмедов | – | Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи |
| 6. | Н.Муротов | – | Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи |
| 7. | И.Зокиров | – | Республика таълим маркази директори |
| 8. | Б.Қурбонов | – | Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи директори |
| 9. | З.Холмирзаев | – | Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи директори |
| 10. | З.Товбоев | – | “Баркамол авлод” Республика болалар бадиий ижодиёт маркази директори |

*Халқ таълими вазирининг*
*2016 йил 22 апрелдаги 100-сонли буйруғига*
*3-илова*

**Бошланғич таълим ўқитувчилари форуми иштирокчиларини кутиб олиш, жойлаштириш ва кузатиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Б.Данияров | – | Вазир ўринбосари, раис ўринбосари |
| 2. | Ф.Аҳмедов | – | Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи, раис ўринбосари |
| 3. | Ҳ.Самандаров | – | Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бош назоратчиси, котиб |
| | | | **Аъзолар:** |
| 4. | Ш.Эргашев | – | Умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи |
| 5. | Б.Шамсиев | – | Кадрлар бошқармаси бошлиғи |
| 6. | Н.Муротов | – | Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи |
| 7. | И.Аллаберганов | – | Назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи |
| 8. | М.Юлдашев | – | А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Марказий институти ректори |
| 9. | М.Аъзамова | – | Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Республика ўқув-методика маркази директори |
| 10. | З.Холмирзаев | – | Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи директори |
| 11. | И.Акбаров | | Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи |

**Изоҳ:** *Заруриятга кўра, ишчи гуруҳ таркибига қўшимча равишда мутахассислар жалб этилиши мумкин.*

*Халк таълими вазирининг 2016 йил*
*22 апрелдаги 100*-сонли буйруғига 4-илова

**Бошланғич таълим ўқитувчиларининг форумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича**
**ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

| № | Белгиланган вазифалар | Ижро муддати | Бажариш учун масъул | Амалга ошириш механизми |
|---|---|---|---|---|
| **I. ФОРУМГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ИШЛАР** | | | | |
| 1 | Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ўтказиладиган Форумда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан иштирок этадиган вакиллар таркиби юзасидан талабларни ишлаб чиқиш ва вазирлик раҳбариятига тақдим этиш. Иштирокчилар рўйхатини шакллантириш раҳбариятга тақдим этиш. | 2016 йил май | Ш. Эргашев ҲУДУДИЙ назоратчилар | 1. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан асосий тадбирларда иштирок этадиган вакиллар таркиби юзасидан талаблар ишлаб чиқиш ва вазирлик раҳбариятига тақдим этиш. |
| | | | | 2. Ушбу асосда жойлардан иштирокчилар рўйхатини белгиланган жадвал асосида олиш ва раҳбариятга тақдим этиш. |
| 2 | Форум муносабати билан фойдаланадиган шиорлар матнларини тайёрлаш | 2016 йил апрель | Ҳ.Даминов, И.Зокиров | Форумга бағишланган шиорлар матни лойиҳасини тайёрлаш, раҳбарият билан келишиш |
| 3 | Меҳнат фаолияти давомида алоҳида муваффақиятларга эришган бошланғич синф педагог ходимларни вазирликнинг тармоқ мукофотлари билан тақдирлаш бўйича тегишли ҳужжатларни тайёрлаш | 2016 йил апрель, май | Ш. Эргашев, Б.Шамсиев, ҚР ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари | 1. Вазирликнинг тармоқ мукофотларига тавсия этиладиган педагог ходимлар рўйхатини шакллантириш |
| | | | | 2. Илғор тажрибали педагогларни тақдирлаш бўйича тегишли ҳужжатларни тайёрлаш ва раҳбариятга тақдим этиш. |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 4 | Форумни кўтаринки руҳда, мазмунли ўтишини таъминлаш бўйича Халк таълими вазирлиги муассислигидаги газета ва журналлар ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларида олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини мувофиқлаштирган ҳолда ишлаб чиқиш, ижросини назорат қилиш. | 2016 йил май | Б. Шайвалиев | 1. Халқ таълими вазирлиги муассислигидаги газета ва журналлар ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларида олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқиш.<br>2. Мазкур дастурда белгиланган вазифалар ижросини назоратга олиш ва мониторинг юритиш. |
| 5 | Форумнинг махсус эмблемасини яратиш. | 2016 йил май | К. Гафуров,<br>Ҳ. Саидов,<br>И.Зокиров, | 1. Ишчи гуруҳ таркибини шакллантириш;<br>2. Ишчи гуруҳ томонидан кўп вариантлик Форумнинг махсус эмблемаси лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш учун раҳбариятга киритиш. |
| 6 | Форум дастури, таклифнома, пресс-релизини ишлаб чиқиш. | 2016 йил апрель | Ш. Эргашев,<br>И. Зокиров,<br>Б. Шайвалиев | 1. Ишчи гуруҳ таркибини шакллантириш;<br>2. Ишчи гуруҳ томонидан Форум дастури, таклифнома, пресс-релизи ҳамда амалга ошириладиган ишлар режасини ишлаб чиқиш. |
| 7 | Барча иштирокчиларга бейжик, таклифнома, форум эмблемаси туширилган ручка, блокнот, сумка тайёрлаш. | 2016 йил май, июнь | И.Зокиров,<br>К.Гафуров | Иштирокчиларга эсдалик совға сифатида тақдим этилади |
| 8 | Ўзбек ва рус тилларида интервью берадиган ўқитувчи-мураббийларни тайёрлаш ва улар билан тушунтириш ишларини олиб бориш. | Форум ўтказиладиган кун | И.Зокиров,<br>Б. Шайвалиев | 1. Форумга таклиф этилган иштирокчилар билан яқиндан суҳбатлашиш; |
| | | | | 2. Улар таркибидан ўзбек ва рус тилларида интервью бериш қобилиятига эга ўқитувчи-мураббийларни аниқлаб, интервью берувчилар рўйхатини шакллантириш. |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 9 | Бошланғич таълим ўқитувчилари Форуми муносабати билан “Маърифат” газетасида “Бошланғич таълим фидоийлари” рукни остида туркум мақолалар чоп эттириш. | Форум кунлари | Б. Шайвалиев, А. Раҳимов, вазирликлар тасаруфидаги газета ва журналлар бош муҳаррирлари, И.Зокиров | Чоп этилаётган мақолалар мазмун-моҳиятини назорат қилиш ва мониторингини юритиш |
| 10 | Форумга тақдим этиладиган маърузаларни кўриб чиқувчи ва тўплам шаклида нашрга тайёрловчи ижодий гуруҳларни шакллантириш | 2016 йил Май-июнь | Н.Тайлақов, И.Зокиров | Форум материаллари тўплам тарзида чоп этилади. |
| 11 | Форумнинг мақолалар тўпламини нашр этиш. | июль | Н.Тайлақов, М.Юлдашев, И.Зокиров | 1. Форум ҳақида манфаатдор ташкилотлар, муассасалар ва оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш;<br>2. Келиб тушган илмий маколаларни мутахассислар иштирокида кўриб чиқиб таҳлил этиш.<br>3. Мақолалар тўпламини нашр этиш. |
| 12 | Форум арафасида таълим тизимида, хусусан, бошланғич таълим йўналишида амалга оширилган ишларни Республика оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш ва вазирликнинг WEB-сайтида жойлаштириш | 2016 йил июль | Б. Шайвалиев, | 1. Амалга оширилаётган ишлар ҳақида кенг тарғибот ишларини олиб бориш, кунлик мониторинг юритиш<br>2. Форум якуни билан умумлаштирилган маълумотни раҳбариятга киритиш |
| 13 | Бошланғич таълим ва чет тиллари бўйича методик тавсияларни тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳини шакллантириш | 2016 йил июнь | Н. Тайлақов, И.Зокиров, Педагогика университети вакиллари билан биргаликда | Тавсиялар ишлаб чиқилади |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 14 | Форумда иштирок этиш учун вилоятлардан таклиф қилинган илғор ўқитувчилар ва мураббийларни кутиб олиш, жойлаштириш ва кузатиш ҳамда барча тегишли шароитларни яратиш. | 2016 йил май | Ф.Аҳмедов, А.Носиров, З.Холмирзаев, | 1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларга ва Тошкент шаҳри ХТБ мудирлари ва вазирликдан масъулларни бириктириш.<br>2. Форумга келган иштирокчиларни кутиб олиш ва кузатиш |
| 15 | Иштирокчиларни Тошкент шаҳрида жойлашган халқ таълими тизими муассасаларига ташрифи жадвалини ва схемасини тайёрлаш. | 2016 йил май | И.Акбаров, И.Зокиров | Тошкент шаҳрида жойлашган халқ таълими тизими муассасаларига ташриф жадвали ва схемаси ишлаб чиқилади |
| 16 | Форум иштирокчиларига хизмат кўрсатиш учун автобуслар ташкил этиш, уларнинг ҳаракат дастурини тузиш ва Ички ишлар вазирлигига тақдим этиш | 2016 йил июнь | Ф.Аҳмедов, Ш. Эргашев, Н.Муротов | Автобусларни йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларининг кузатувини ташкил этиш |
| 17 | Форум иштирокчиларини шаҳар бўйлаб саёҳатларини уюштириш учун автобус хизматини ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўл ҳаракати хавфсизлиги кузатувини ташкил этиш | Форум ўтказиладиган кун | И. Аллаберганов, Ф.Аҳмедов | 1. Форум иштирокчиларини шаҳар бўйлаб саёҳатларини уюштириш учун “Тошшаҳарйўловчитранс” ҳиссадорлик жамияти билан шартнома тузиш<br>2. Автобус хизмати хавфсизлигини таъминлаш, ДАН ходимлари кузатувини ташкил этиш мақсадида ИИВ га хат тайёрлаш.<br>3. Автобусларни белгиланган дастур асосида хизматини ташкил этиш |
| 1 8 | А.Навоий ҳайкали пойига ўқитувчилар номидан қўйиладиган гулчамбар ва гулдаста (букет)ларни тайёрлаш | Асосий Форум тантаналари бошланишидан олдин | И. Аллаберганов, А.Носиров | 1. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга бириктирилган ТХТБлари томонидан гулчамбарлар ва гулдасталарни тайёрлаш<br>2. Белгиланган тартиб ва муддатда гулчамбарларни маросим ўтказиладиган жойга олиб келиш |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 19 | Форум иштирокчиларининг Темурийлар давлат музейига саёҳатини уюштириш, А.Навоий ҳайкали пойига ўқитувчилар номидан гулчамбар қўйиш маросимини ташкил этиш | 13 июль | Ф.Ахмедов А.Носиров, И.Аллаберганов, ҳудудий назоратчилар | 1. Ўрнатилган тартибда келишув хатларини тайёрлаш.<br>2. Форум иштирокчиларининг ҳаракатланиш йўналиши дастурини тайёрлаш ва тасдиқлатиш<br>3. Дастурга асосан саёҳат ва гулчамбар қўйиш маросимини ўтказиш |
| 20 | Тадбир иштирокчилари ва меҳмонлар учун 300 дона таклифномалар ва 300 дона Форум дастурини тайёрлаш ва уларни тарқатиш. | 2016 йил июнь | И. Аллаберганов, Н.Муротов, ҳудудий назоратчилар | 1. Таклифномалар намунасини раҳбариятга киритиш ва тасдиқлатиш<br>2. Тасдиқланган таклифномаларни тайёрлаш учун шартнома тузиш ва молиялаштириш<br>3. Таклифномаларни таклиф этилганларга рўйхат асосида етказиш.<br>4. Форум дастурини тайёрлаш, уларни тарқатиш. |
| 21 | Вилоятлардан келган Форум иштирокчилари учун ётоқхонада барча тегишли шароитларни яратиш ва овқатланишлари билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш. | 2016 йил июнь-июль | З.Холмирзаев, Н.Муротов | 1. Ётоқхоналарни санитар ва гигиеник ҳолати бўйича ДСЭНМ ходимларининг хулосасини олиш.<br>2. Ётоқхоналарда барча тегишли шарт-шароитларни яратиш<br>3. Овқатланиш бўйича таомномани тегишли ташкилотлар билан келишиш ва тасдиқлаш. Шу асосда овқатланишни ташкил этиш |
| 22 | Форум иштирокчилари учун тушлик (ош)ни ташкил этиш. | 2016 йил июль | М. Мирҳайдаров, И. Аллаберганов, Н.Муротов, А.Содиқов, И.Зокиров | 1. Тушлик бериладиган жойни аниқлаш.<br>2. 300 кишилик дастурхон безаш<br>3. Кутиб олиш ва кузатиш билан боғлиқ ташкилий ишларни амалга ошириш |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 23 | Форумни ташкил этишда хавфсизлик чоралари кўриш, тиббий хизматни ташкил этиш, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳудудини ободонлаштириш, турли чақирув шиорлари билан безатилишини таъминлаш юзасидан Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигига, университет ректоратига мурожаат хатларини тайёрлаш | 2016 йил июнь | Ф.Ахмедов, И.Зокиров | Ташкилий масалаларни ўз вақтида таъминлаш бўйича ишчи гуруҳини шакллантириш ва назоратга олиш |
| 24 | Форум арафасида хавфсизлик ва осойишталикни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва бошқа ваколатли идоралар билан ҳамкорликда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш. | 2016 йил июнь-июль | Ф.Ахмедов, И. Аллаберганов | 1 . Форум арафасида хавфсизлик ва осойишталикни таъминлаш мақсадида тегишли вазирликлар ва бошқа ваколатли органларга хат тайёрлаш ва жойларга етказиш<br>2. Улар билан ҳамкорликда тегишли чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш. |
| 25 | Форум билан боғлиқ сарф-харажатларни тасдиқланган смета асосида ўз вақтида амалга ошириш | 2016 йил март | Н.Муротов Г.Каримова | 1. Форум сметасида кўрсатилган маблағлар доирасида белгиланган сарф-харажатлар бўйича тегишли меъёрий ҳужжатларни ўрнатилган тартибда тайёрлаш.<br>2. Молиялаштириш ишларини тўлиқ ижросини таъминлаш ва назорат қилиш |
| **II. ЯЛПИ ЙИҒИЛИШ ВА ШЎЪБА ЙИҒИЛИШЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ** | | | | |
| 26 | Ялпи йиғилиш тартибини ишлаб чиқиш. | 2016 йил май | Ш.Эргашев, И.Зокиров | Ялпи йиғилиш тартиби ишлаб чиқилади |
| 27 | Ялпи йиғилишда сўзга чиқувчилар маърузаларини тайёрлаш. | 2016 йил май | Ш.Эргашев, И.Зокиров | Маърузалар мазмуни мувофиқлаштирилади |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 28 | Форум фаолияти йўналишларини (шўъбалар) ишлаб чиқиш ва ҳар бир йўналиш бўйича ишчи гуруҳларни шакллантириш | 2016 йил май | И.Зокиров | 1. Ишчи гуруҳлари шакллантирилади<br>2. Шўъбалар йўналишлари мувофиқлаштирилади. |
| 29 | Шўъбалар иштирокчиларини рўйхатини шакллантириш ва хоналарни тайёрлаш | 2016 йил май | И.Зокиров, ВХТБ бошлиқлари | 1. Шўъба иштирокчилари рўйхатлари шаклланади<br>2. Шўъбаларни ўтказиш учун хоналар жиҳозланади |
| 30 | Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети биносининг кираверишидаги панноларга Форумга бағишланган чақирув шиорини тайёрлаш. | 2016 йил июль | И. Аллаберганов, Х.Даминов, ЎзЖТУ ректорати билан ҳамкорликда | 1. Шиор матнини раҳбарият билан келишган ҳолда тайёрлаш.<br>2. Чақирув шиорини Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети биносининг кириш қисмига жойлаштириш |
| 31 | Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети саҳнасини Форумга оид ҳолда безаш | 2016 йил июль | И. Аллаберганов, Х.Даминов, Н.Муротов, И.Зокиров | 1. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети зали саҳнасини жиҳозлаш бўйича дизайнер, рассомларнинг таклифини тайёрлаш ва раҳбарият билан келишиш<br>2. Тасдиқланган эскиз асосида жиҳозлаш бўйича шартнома тузиш ва молиялаштириш<br>3. Саҳнани жиҳозлаш ишларини якунлаш |
| 32 | Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети фойесида бошланғич таълим, мультимедиа ресурслар кўргазмаларини ташкил этиш, халқ таълими ривожланишига оид стендлар ўрнатиш | 2016 йил июль | Ш.Эргашев, И.Зокиров, К.Гафуров | 1. Таклифларни тайёрлаш ва раҳбарият билан келишиш<br>2. Тасдиқланган эскиз асосида жиҳозлаш бўйича шартнома тузиш ва молиялаштириш<br>3. Фойени жиҳозлаш ишларини якунлаш |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 33 | Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига Форум иштирокчиларини тадбир бошланишидан бир соат олдин етиб келишларини таъминлаш | Форумдан олдин | Ф.Аҳмедов, А.Носиров, ҳудудий назоратчилар | Ҳудудларга бириктирилган масъуллар билан тушинтириш ишларини олиб бориш ва етиб келишларини назоратга олиш |
| 34 | Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига Форум иштирокчиларини жойлаштириш (рассадка) тартибини ишлаб чиқиш | 2016 йил июль | Х.Даминов, Ш.Эргашев | Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига Форум иштирокчиларини жойлаштириш тартиби лойиҳасини ишлаб чиқиш ва раҳбариятга киритиш |
| 35 | Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида Форум меҳмонлари ва иштирокчиларнинг ўзларига белгиланган ўринларга жойлашишини ташкил этиш. | Форум куни | Ф.Ахмедов, ҳудудий назоратчипяр гуруҳ раҳбарлари | Вилоятлардан келган Форум иштирокчиларининг ўзларига белгиланган тартиб билан ўринларга жойлаштириш |

*Халқ таълими вазирининг 2016 йил 22 апрелдаги*
*100-сонли буйруғига 5-илова*

**Бошланғич таълим ўқитувчилари форумида иштирок этувчиларнинг ҳудудлар кесимидаги**
**Т А Қ С И М О Т И**

| Т / Р | Вилоятлар | Бошланғич синф ўқитувчилари | Чет тили фани ўқитувчилари | ВХТБ бошланғич таълим методист-лари | ПҚТМОИ (чет тили ва бошланғич таълим кафедраси мудир-лари) | Давлат педагогика институтлари (чет тили ва бошланғич таълим кафедраси мудирлари) | ЎзДЖТУ | ХТВ тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Қорақолпоғистон Республикаси | 15 | 2 | 1 | 2 | 2 | | | **22** |
| 2 | Андижон | 16 | 2 | 1 | 2 | | | | **21** |
| 3 | Бухоро | 13 | 2 | 1 | 2 | | | | **18** |
| 4 | Жиззах | 13 | 2 | 1 | 2 | 2 | | | **20** |
| 5 | Навоий | 10 | 2 | 1 | 2 | 2 | | | **17** |
| 6 | Наманган | 12 | 2 | 1 | 2 | | | | **17** |
| 7 | Самарқанд | 16 | 2 | 1 | 2 | | | | **21** |
| 8 | Сирдарё | 11 | 2 | 1 | 2 | | | | **16** |

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 9 | Сурхондарё | 14 | 2 | 1 | 2 | | | | **19** |
| 10 | Қашқадарё | 14 | 2 | 1 | 2 | | | | **19** |
| 11 | Тошкент | 18 | 2 | 1 | 2 | | | | **23** |
| 12 | Тошкент ш. | 11 | 2 | 1 | 2 | 2 | 2 | | **20** |
| 13 | Фарғона | 19 | 2 | 1 | 2 | 2 | | | **26** |
| 14 | Хоразм | 11 | 2 | 1 | 2 | | | | **16** |
| | **ЖАМИ:** | **193** | **28** | **14** | **28** | **10** | **2** | **13** | **288** |

***Изоҳ:*** *Қори Ниёзий номли педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти – 2 нафар; А.Авлоний номли ХТХМОҚТМ институти – 2 нафар; Республика Ташхис маркази – 2 нафар; Мультимедиа умумтаълим дастурларни ривожлантириш маркази – 2 нафар; Вазирлик тасарруфидаги таълим муассасаларидан – 1 нафардан бошланғич таълим ўқитувчилари иштирок этадилар.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2016 йил 3 май* *113-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

## УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги “2015-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш Концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида”ги 251-сон қарори ижроси юзасидан, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ошхона ва буфетларида ўқувчиларнинг соғлом овқатланишини ташкил этиш ишларини ривожлантириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 132-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 132-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Умумтаълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш ишларини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари ҳамда вазирлик тасарруфидаги умумтаълим муассасалари раҳбарларига:

умумтаълим мактаблари ошхоналари фаолиятини Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом

овқатланишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом талаблари асосида ташкил қилиш;

қарорда белгиланган параметрлар асосида жорий йилнинг 20 июнигача 2017-2020 йилларда босқичма-босқич жиҳозланиши режалаштирилган овқатланиш тизими мавжуд бўлмаган ва ишламаётган умумий ўрта таълим муассасалари ошхоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда жиҳозлаш юзасидан ҳар бир муассаса кесимида манзилли дастурлар ишлаб чиқиб, Халқ таълими вазирлиги билан келишган ҳолда маҳаллий ҳокимликлар томонидан тасдиқланишини ташкил қилиш;

ҳудудий дастурлар асосида маҳаллий молия органлари билан ҳамкорликда 2017 йилдан бошлаб умумтаълим мактаблари ошхоналарини жиҳозлаш учун маблағлар ажратилиши чораларини кўриш;

мазкур буйруқнинг иловаси билан тасдиқланган Умумтаълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш ишларини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси ижросини қатъий назоратга олиш;

бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив ҳужжатларни ушбу буйруқ билан мувофиқлаштириш;

амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чорак якунига кўра кейинги ойнинг 5-санасига қадар вазирликнинг Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (asodiqov@xtv.uz электрон манзил)га ёзма ахборот тақдим этиб бориш вазифалари топширилсин.

4. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Ф.Ахмедов)га:

20 кун муддатда Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 132-сонли қарори ижроси юзасидан видеоселектор ўтказиш;

Умумтаълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш ишларини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси ижроси юзасидан мониторинг ишларини ташкил этиш, вазирлик раҳбариятига ҳар ярим йил якуни бўйича таҳлилий маълумотлар киритиш вазифалари юклатилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари бошлиқлари, таълим муассасалари раҳбарларига

умумтаълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш бўйича шахсий маъсулият юкланади.

6. Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев) Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, электрон оммавий ахборот воситаларида умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом, рационал ва хавфсиз овқатланишнинг ташкил этилиши юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширсин.

7. Ушбу буйруқ қабул қилиниши муносабати билан Халқ таълими вазирининг 2010 йил 4 сентябрдаги 214-сон "Таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш тўғрисида"ги буйруғи бекор қилинсин.

Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг*
*2016 йил 3  майдаги 113-сонли*
*буйруғига илова*

**Умумтаълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш ишларини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси**

| т/р | Тадбирлар | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар |
|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 132-сонли қароридан келиб чиқадиган вазифаларни ҳар бир умумтаълим мактабига етказиш. | 2016 йил 10 майгача | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари |
| 2. | “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор юзасидан видеоселектор ўтказиш | 2016 йил 20 майгача | ТМФТЭББ |
| 3. | Овқатланиш тизими мавжуд бўлмаган (2630 та) ёки фаолият кўрсатмаётган (2061 та) умумий ўрта таълим муассасаларида ошхона ва буфетларни ташкил этиш, жиҳозлаш ва қайта жиҳозлаш бўйича белгиланган кўрсаткичларга мувофиқ муассасалар кесимида манзилли дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳудудий ҳокимликларга тасдиқлаш учун киритиш. | 2016 йил 20 июнгача | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 4. | Ошхона фаолиятини ташкил этиш ишларига масъул ходимлар учун ўқувчиларни соғлом овқатланишини ташкил этиш билан билан боғлиқ замонавий тажрибалар, ўзбек миллий пазандачилик хусусиятлари ва анъаналари юзасидан махсус тренинглар, семинарлар ўтказиб бориш. | 2016 йил сентябрдан, доимий | ТМФТЭББ, МТМХМОҚТРЎММ Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) ХТМФМТТЭБ |
| 5. | Умумтаълим мактабларининг ошхона ва буфетлари учун намунавий таомномаларни (ҳар бир таомнинг тайёрлаш технологиясини кўрсатиб ўтган ҳолда) ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Республика ДСЭНМга киритиш. | 2016 йил август | ТМФТЭББ, МТМХМОҚТРЎММ |
| 6. | Умумтаълим мактаблари ошпазларини малака ошириш курсларига жалб этиш юзасидан ҳамкорлик ишларини йўлга қўйиш. | 2016 йил III чорагидан бошлаб доимий | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) ХТМФМТТЭБ, ижарачи корхоналар билан ҳамкорликда |
| 7. | Умумтаълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш юзасидан оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, бунда:<br>ўқувчилар учун фойдали таомларни тайёрлаш усулларига, уларни истеъмол қилишнинг ижобий таъсирига;<br>овқатланиш режимига ва уларга амал қилинишига;<br>таркибида зарарли моддалар мавжуд бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларни истеъмол қилишнинг салбий оқибатлари масалаларига алоҳида эътибор қаратиш. | Жадвал асосида | Ахборот хизмати, ТМФТЭББ, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 8. | Умумий ўрта таълим муассасаларининг бошланғич синф ўқувчилари ўртасида "Тўғри овқатланиш дарслари" таълим дастурини жорий этиш ва унда қуйидагиларни назарда тутиш:<br>ўқувчиларда саломатликнинг қадри ва уни мустаҳкамлаш зарурлиги тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш;<br>ўқувчиларни соғлом ҳаёт тарзи ва тўғри овқатланиш қоидалари билан таништириш;<br>ўқувчиларнинг ўз соғлигига ғамхўрлик қилиши билан боғлиқ хулқ-атвор шаклларини ўзлаштиришлари, уларни тўғри овқатланишга доир миллий-маданий анъаналар билан таништириш асосий мавзу сифатида киритилишини таъминлаш. | 2016 йил IV чорак | ТМФТЭЭББ, Республика таълим маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) ХТМФМТТЭБ, умумтаълим мактаблари раҳбарлари |
| 9. | Ўқувчилар, педагог ходимлар, ота-оналар томонидан соғлом овқатланиш қоидаларига амал қилиниши юзасидан билим ва кўникмаларни янада ривожлантириш бўйича давра суҳбатлари ташкил этиш. | Доимий | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) ХТМФМТТЭБ, умумтаълим мактаблари раҳбарлари |
| 10. | Умумтаълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш масаласини "Саломатлик сабоқлари", "Соғлом авлод асослари" дарслари орқали ўқувчилар онгига етказиш ишларини янада такомиллаштириш чораларини кўриш. | 2016 йил IV чорак | Республика таълим маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари |
| 11. | Умумтаълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий семинарлар ўтказиш. | Ҳар чоракда, 2016-2020 йиллар давомида | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2016 йил 6 май* *118-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2016 ЙИЛ 5 МАЙДАГИ
“БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА” ГИ 144-СОН ҚАРОРИ
ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 20 ноябрдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-2435-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 майдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 144-сон қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 майдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 144-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 майдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 144-сон қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вазир ўринбосари (Д.Кенжаев), Мусиқа ва санъат таълими муассасалари бошқармаси (Қ.Атамирзаев), Таълим муассасасалари моддий-техника таъминотини ташкил этиш бошқармаси (Ф.Узаков) икки ой муддатда:

болалар мусиқа ва санъат мактабларини мусиқа асбоблари, махсус мебеллар, асбоб-ускуналар ва бошқа анжомлар билан

жиҳозлаш нормативларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор лойиҳасини;

мусиқа ва санъат йўналишларида таълим беришнинг илғор хорижий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган ўқув режасини ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда тасдиқланишини таъминласин.

5. Мусиқа ва санъат таълими муассасалари бошқармаси (Қ.Атамирзаев) бош юрисконсульт (С.Миразимов) билан биргаликда уч ой муддатда болалар мусиқа ва санъат мактабларининг намунавий уставини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун вазирлик раҳбариятига киритсин.

6. Вазирликнинг тегишли бошқарма ва бўлимлари бош юрисконсульт (С.Миразимов) билан биргаликда аввал қабул қилинган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 майдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 144-сон қарори ҳамда мазкур буйруқни тизимдаги болалар мусиқа ва санъат мактабларига етказиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 майдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 144-сон қарори мазмун моҳиятини ўзларининг навбатдаги ишлаб чиқариш йиғилишларида атрофлича кўриб чиқиш ва бу борада тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича жойларда семинар-йиғилишлар ташкил этиш;

болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 майдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 144-сон қарори асосида ташкил этилишини таъминлаш;

амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чорак якунида вазирликнинг Мусиқа ва санъат таълими муассасалари бошқармасига маълумот тақдим этиб бориш вазифалари топширилсин.

8. Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг самарали фаолият кўрсатиши, уларни малакали кадрлар билан таъминланиши, таълим бериш жараёнининг сифати устидан назорат қилиниши, ўқувчилар қатнови даражаси мониторингининг тизимли асосда олиб борилиши учун шахсий масъулият Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси

ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари зиммасига юклатилсин.

9. Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев) Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 майдаги 144-сонли қарорининг тарғиботи бўйича тегишли ишларни амалга оширсин.

10. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг*
*2016 йил 6 майдаги*
*118-сонли буйруғига*
*ИЛОВА*

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 майдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактаблари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 144-сон қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси**

| т/р | Қарор бандларида белгиланган топшириқларни бажариш бўйича зарур чора-тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 майдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактаблари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 144-сон қарорининг мазмун-моҳиятини вазирликнинг навбатдаги ишлаб чиқариш йиғилишида атрофлича кўриб чиқиш. | 2016 йил май | И.Аллаберганов,<br>Қ.Атамирзаев |
| 2. | Болалар мусиқа ва санъат мактабларини мусиқа асбоблари, махсус мебеллар, асбоб-ускуналар ва бошқа анжомлар билан жиҳозлаш нормативлари лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тегишли вазирлик ҳамда идоралар билан келишиш; | 2016 йил<br>20 июнь | Қ.Атамирзаев |
| | Болалар мусиқа ва санъат мактабларини мусиқа асбоблари, махсус мебеллар, асбоб-ускуналар ва бошқа анжомлар билан жиҳозлаш нормативларини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун вазирлик раҳбариятига киритиш; | 30 июнь | Ф.Узаков,<br>Қ.Атамирзаев |
| | Болалар мусиқа ва санъат мактабларида мусиқа ва санъат йўналишларида таълим беришнинг илғор хорижий тажрибасини ўрганиб чиқиш ва шу асосида болалар мусиқа ва санъат мактабларининг йўналишлар бўйича такомиллаштирилган ўқув режалари лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тегишли вазирлик ҳамда идоралар билан келишиш;<br>Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг йўналишлар бўйича такомиллаштирилган ўқув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун вазирлик раҳбариятига киритиш. | 20 июнь<br>30 июнь | Д.Кенжаев,<br>Қ.Атамирзаев<br>Қ.Атамирзаев |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 3. | Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг намунавий устави лойиҳасини ишлаб чиқиш, бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 майдаги 144-сон қарори билан тасдиқланган Болалар мусиқа ва санъат мактаблари тўғрисидаги Низомда белгиланган вазифаларни инобатга олиш; | 2016 йил 25 июль | Қ.Атамирзаев, С.Миразимов |
| | Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг намунавий уставини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун вазирлик раҳбариятига киритиш; | 30 июль | Қ.Атамирзаев |
| | Тасдиқланган Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг намунавий уставини жойларга ижро учун юбориш;<br>Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг намунавий уставини тегишли туман (шаҳар) ҳокимликларида ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш. | 5 август<br>15 августга қадар | Қ.Атамирзаев<br>ҚҚР ХТВ,<br>Тошкент шаҳри ва ВХТБлари |
| 4. | Ўрнатилган тартибда илгари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштириш. | 2016 йил 5 июнь | Қ.Атамирзаев, Х.Даминов, С.Миразимов |
| 5. | Мазкур чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифалар юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисоботларни Вазирлар Маҳкамасига киритиб бориш. | Ҳар чоракда | Д.Кенжаев, Қ.Атамирзаев |

***Изоҳ:*** *ҚҚР ХТВ, Тошкент шаҳри ва ВХТБлари – Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоят халқ таълими бошқармалари*

**Bosh muharrir:**
Mahmudov Sarvar Yuldashevich

**Bosh muharrir o'rinbosari v.v.b:**
Umaraliyeva Muhayyo Abdugaparovna

**Mas'ul kotib:**
Tashxanov Nurbek Aybekovich

**Badiiy muharrir:**
Mamasoliyev Akbarali Hamzayevich

**Tahrir hay'ati:**
Ulug'bek INOYATOV, Dilshod KENJAYEV, Risboy JO'RAYEV, Hikmatilla RASHIDOV, G'ayrat SHOUMAROV, Sharifjon ERGASHEV, Fayzulla AHMEDOV, Shavkat SHARIPOV, Maqsudjon YULDASHEV, Islom ZOKIROV, Alisher ZOKIROV, Hikmatilla DAMINOV

Tahririyat manzili: 100159. Toshkent shahri, Mustaqillik maydoni, 5-uy.
E-mail: xalq_talimi@xtv.uz Tel: (0 371) 239-27-14, Faks: 239-27-11

Jurnal O'zMAA tomonidan 2015-yil 3-iyunda ro'yxatga olinib, 0852-raqamli guvohnoma berilgan.

Buyruq va ularning ilovalari to'liq, o'zgartirishsiz chop etilmoqda. Jurnal tahririyatning kompyuter bo'limida terilib, sahifalandi.

"PRINT LINE GROUP" xususiy korxonasi bosmaxonasida chop etildi.
Bosmaxona manzili:Toshkent shahri, Bunyodkor shoh ko'chasi, 44-uy.
Bosisbga ruxsat etildi: 19.05.2016-y. Qog'oz bichimi 84x108 1/32.
Ofset bosma usuli. Shartli b.t. 7,0. Adadi 28 699 nusxa.
-buyurtma.
Bahosi kelishilgan narxda.

Ushbu songa mas'ul – Suyarova Lutfiya Muxiddinovna

© "Xalq ta'limi axborotnomasi", 2016.